

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Миллий ғоя ва фалсафа” кафедраси

Ижтимоий-иқтисодий факультети 5-45 гуруҳ талабаси

Маматқулов Шерзоднинг

**5141500- Миллий ғояси, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун ёзилган**

«Ўзбекистонда давлат бошқарувнинг Конституциявий асослари»

мавзусидаги

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ



**Иш кўрилди ва ҳимоя
қилишга рухсат берилди
кафедра мудири ф.ф.н
доцент С. Исмоилов.
«__» _____ 2014 й.**

**Илмий раҳбар: катта ўқитувчи
_____ С. Дониёров.**

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-11
1-боб. Мустақил Ўзбекистонда давлат бошқарувининг Конституциявий асослари.....	12-32
1.1. Конституциянинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти.....	12-18
1.2. Давлат бошқарувида ҳокимиятларнинг бўлиниш принципига асосланиши.....	19-30
1-бобга доир хулосалар.....	31-32
2-боб. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари.....	33-66
2.1. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг асосий шакллари.....	33-43
2.2. Мустақил Ўзбекистонда давлат бошқарувининг асосий тамойиллари.....	44-65
2-бобга доир хулосалар.....	66
Хулоса ва тавсиялар.....	67-71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	72-75

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган омуздир. Шу маънода асосий Қомусимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданияти акс эттиради.

Ҳаммамизга маълум Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 12 чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11 сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олти бўлимдан ва 26 бобдан иборат бўлиб, уларда давлат суверенитети, фуқароларининг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, жамият ва шахс манфаатлари, муносабатлари, давлатимизнинг маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши, давлатлар ҳокимиятини ташкил этиш билан боғлиқ қонуний-ҳуқуқий нормалар тўлиқ акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари:

- Давлат суверенитети.
- Халқ ҳокимиятчилиги.
- Фуқаро эркинликлари ва ҳуқуқларининг дахлсизлиги ва устиворлиги.
- Демократизм.
- Давлат ва шахснинг ўзаро маъсуллиги.
- Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши.
- Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш.
- Суд (идоралари) тузилиши ва судлов.

- Халқаро муносабатларда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг фаоллиги¹.

Конституция - янги давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асосидир. Инсоннинг кадр-қиммати улуғланган, ҳуқуқ ва эрки кафолатланган жамиятда барча муқаддас тушунчалар мавжуд бўлади. Одам боласи Ватан мадҳиясини тинглаганда ботинан \урурланиши, вужуди кулоққа айланиши, куч-қудрат туйиши ёхуд ўз юрти байроғи қаршисида кўзи яшнаши бор гап. Биз учун ардоқли, ҳаёт йўлимизда муқаддас саналган ҳужжатлардан бири – мамлакатимиз Конституциясидир.

Конституция – юртимизнинг ҳуқуқий юзи. Конституциямиз моддаларининг мукамал, пухта-пишиқлиги, матнларнинг имкон қадар қисқа ва лўнда баён этилганлиги бўлса-да, Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига ҳамоҳангдир.

Дунё тарихида давлатлар кўп бўлган. давлатчилик турли усулларда юритилган. Инсоният маҳмадона императорнинг эркаликлари-ю олифта шаҳзодаларнинг шўхликларига кўп гувоҳ бўлди. Якка ҳукмдорнинг таъби, иродаси анча вақтларгача ҳукумат ишини бошқарди. Бир ҳовуч бойларнинг манфаати давлат манфаати даражасига кўтарилган пайтлар кўп-кўп бўлган. Инсоният тарихининг каттагина бўлаги ана шундай якка шахс ва тўдалар хоҳиши билан бошқарилди. Лекин минг-минг йиллик инсоният тарихи шуни кўрсатдики, қонунга эга бўлиш, унга таяниш, итоат қилиш, унинг ҳимоясида яшаш, у орқали бошқариш ва бошқарилиш лозим экан.

Ниҳоят, бутун дунёда Конституция деган сўз жаранглай бошлади. Фаранглар «Конституция учун!» дея ҳайқиришиб кўчага чиқдилар. Ва, ҳозир бирорта давлат йўқки, Конституцияга эга

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ырганиш.. Т.: 2012. 20-б.

бўлмаган бўлсин. Бирорта давлатчилик йўқки, давлатни Конституцияга асосланиб бошқармаётган бўлсин.

Хўш, инсоният нима учун Конституцияни бунчалик ардоқлайди? Унинг учун нимага кўчага чиққанлар, қурбон бўлишга ҳам тайёр турганлар?

Оддийгина мисол: агар Конституция бўлганда Мўмин Мирзо катл эттирилмас эди. Ёшгина гўдакнинг гуноҳи нима деб Хусайн Бойқародан ҳам, жаллоддан ҳам сўраган бўларди Конституция. Ширакайф ҳукмнинг ноқонуний эканлигини исботлаб, Мўмин Мирзони омон сақлаб қоларди. Шунингдек, оломон Жордано Брунони шаккок атаб, гулханга ўтин қилиб юбормас эди. Насимийнинг териси шилиб олинмас эди¹.

Иккинчи оддий мисол: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади»². Конституция инсонни ана шундай энг олий даражага кўтарди. Айнан у инсоният тарихидаги янги даврни очиб берди.

Конституцияни нимага ор-номус дея эъзозлаймиз? Чунки айнан Конституциямиз орқали Ватанимизнинг давлат суверенитети (I боб), халқ ҳокимиятчилиги (II боб), ундаги қонун устуворлиги (III боб) акс этади. Айнан Конституция тилимизга давлат мақомини беради (4-модда), давлатни халқ иродасига бўйсундиради (2-модда), халқни ҳокимият манбаи сифатида тан олади (7-модда), сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги қафолатланади (12-модда), фикрлар ва сўз, эътиқод эркинлиги ҳуқуқини эътироф этади (29-модда) ва ниҳоят, инсон, унинг кадр-қиммати энг олий қадрият ҳисобланади (13-модда).

¹ Жонузо=ов А. Конституция – шон-шараф, кадр-қимматдир. // Халқ сўзи. 2000 йил 7 декабр.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 13-модда

Давлатчилигимиз тарихида Конституция сўзи яқиндагина пайдо бўлган бўлса-да, умумий ҳуқуқий ҳужжатга интилиш кўп бўлган. Давлатчилигимиз тарихида бундай ҳужжатлар бисёр. Хусусан, бобокалонимиз Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Бурҳониддин Марғинониининг «Ҳидоя» асари Асосий +омусимизнинг тарихий-ҳуқуқий асосини ташкил қилади.

Инсоният эришган энг катта ютуқлардан бири сифатида Конституцияни эъзозлашимиз, уни ор-номусимиз деб билишимиз керак. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, «Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган +обусномадир»¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, илгари сурган \оялари жиҳатидан тарихан мутлақо янги ҳужжатдир. Энг аввало, шуни таъкидлашимиз керакки унинг асосида – инсон энг улу\ қадриятдир, деган \оя ётади. Зеро, инсон муайян давлат шароитида яшайди, давлат унинг ҳуқуқларини ва имкониятларини ҳимоя қилса, у ҳам ўз навбатида, давлат жорий этган тартиб ва қоидаларга тўла амал қилиб яшайди. Модомики, инсон – энг ноёб қадрият экан, унинг ана шу ноёблигини тўла-тўқис юзага чиқарадиган шароитли давлат ва жамият ҳам керак.

Ана шундай сиёсий-фалсафий мулоҳазаларга Конституциямизнинг илк каломиди бўлган унинг 1-моддасидаёқ энг ҳаётий жавобни топамиз. Ушбу моддада шундай дейилади: «Ўзбекистон – суверен демократик республика». Демак, республикамиз мустақил ва демократик давлат тарзида шаклланиши ва ана шу бош йўналишларда ривож топиши Конституцияда қонунлаштирилган.

¹ Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг шу=у=ий кафолати. Т.:Шарп, 1993.

Агар чуқурроқ мулоҳаза қилинса, бу икки қудратли омил – Мустақиллик ва Демократия – айнан инсон бахт-саодати учун оятда зарурлиги аён бўлади. Халқимизнинг неча-неча авлодлари аввал чоризм, кейин қизил империя муҳотида яшади. Биз ҳар жиҳатдан мустамлака вазиятида эдик. Сиёсий ҳуқуқларимиз чекланган, иқтисодиётимиз империяга қарам, миллий маданиятимиз ва маънавиятимиз деярли инқирозга учраган эди. Мустақилликнинг бундай оғир оқибатларидан бизни фақат мустақиллик қутқариши мумкин эди. Мустақиллик, эркинлик, ҳуқуқимиз, тақдиримиз, Ватанимизга ўзимиз эгаллик қила олишимиз, келажагимизни умуммиллий орзу-интилишлар асосида ўз ихтиёримиз билан барпо эта олишимиз – бу, чиндан ҳам, катта бахт эди. Мустақиллик – бизнинг имкониятимиз ва бу имконият Конституциямизда қонун даражасига кўтариб муҳрланган.

Иккинчидан, инсон – эркин, демократик шароитдагина ўзини бахтли хис қилади ва бор шахсий имкониятларини тўла намоиш эта олади. Олис миллий тарихимизнинг энг ёрқин дамлари ҳамда бошқа ривожланган давлатларнинг ҳозирги тажрибаси ва амалиёти шуни кўрсатиб турибди. Демак, Конституциямиз миллий ва умуминсоний тажриба ва сабоқларни умумлаштирган ҳолда ҳамда халқимизнинг ирода ва интилишларидан келиб чиқиб, давлатчиликнинг демократик андозасини танлади ва уни тараққиётимизнинг стратегик йўлига айлантирди.

Хуллас, халқимиз юқоридан бўладиган маъмурий буйруқбозликка, бюрократияга, коммунистик партия ва унинг мафқурасининг яққа ҳокимлигига асосланган тоталитар давлат билан абадий хайрлашди. Ва, Конституциямизнинг 2-моддасида айтилганидек, ўзида «халқ иродасини ифода этган, унинг манфаатларига хизмат қиладиган» давлат тузумини барпо этишга киришди.

Бу давлатнинг иккинчи муҳим хусусияти шуки, унинг шароитида қонун ҳамма нарсадан устун ва устувордир. Яъни, шундай давлатки, «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар»¹.

Мустақилликнинг ўн етти йили ичида Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган давлат-ҳуқуқ институтларининг самарали тизими етарлича шаклланди.

«Фуқаролик жамиятида, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, - давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир». Демак, инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина вазифасини тўри адо этган бўлади. Шунинг учун ҳам Конституциянинг 19-моддасида: «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас», - дея қатъий таъкидланади¹. Айниқса, ўтиш даври шароитларида давлатнинг ислохотчилик ролига баҳо берганда давлат вақтинча сиёсий ташкилот сифатида иш кўраётганлигини ва айти вақтда бозорга томон илгариланган сари давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган ишлаб чиқариш воситалари бир қисмининг мулкдори сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, давлатнинг марказлаштирувчи тизим сифатидаги моҳияти вақтинча сақлаб қолинади. Марказлаштирилган тизим ижтимоий ва ўзини ўзи

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 19-модда.

бошқариш тузилмалари ривожланиши ҳамда тегишли маданий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиши давомида бу нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш учун шароит яратиб бораверади.

+исқаси, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиёти – булар миллат фаровонлигининг, Ўзбекистоннинг буюк келажакнинг уч муҳим шартидир. Бу – ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг идеал модели бўлиб, улар фақат ўзаро алоқадорликда амалга оширилиши мумкин. Бу жиҳатлар мамлакатимиз Асосий қонунида мустаҳкамлаб қўйилган. Президент И.Каримов Конституциямизнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: «ўтган давр мобайнида юртимизда амалга оширилган том маънодаги тарихий ишлар, мамлакатимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартириб бораётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнлари замирида аввало Конституциямизнинг принцип ва талаблари турганини кўриб, кузатиб келмоқдамиз»¹, деб таъкидлаган эдиган. Шундан келиб чиқиб, БМИ мавзуси долзарб мавзуга бағишланган бўлиб, Асосий қонунимиздаги тамойиллар ва қафолатларни барча билиши, ўрганиши кераклигини таъкидлаб ўтиш жоидир.

Мавзунинг ўрганилиши даражаси. Ўзбекистонда конституциявий тамойиллар ва қафолатларни ўрганишда, авваламбор, Конституциянинг ўзи энг муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Конституциямизнинг боблари, ҳар бир моддаси «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳлар» қўлланмасида мазмун-моҳият жиҳатидан очиқ берилган. Президентимиз Ислам Каримовнинг асарларида, айниқса Конституция кунига бағишланган маросимларда сўзлаган нутқларида Конституциянинг аҳамияти, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ

¹ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз юртимизда эркин ва обод, фаровон шайт барпо этиш йилини маънавий билан давом этиришдир. // Туркистон. 2007 йил 8 декабр.

ва эркинликларининг аҳамияти хусусида тўхталиб ўтилган. Ўзбекистон сиёсатшунос, ҳуқуқшунос олимларидан А.Азизхўжаев, Х.Одилқориев, Р.Камолов, Ш.Уразаев, У.Тожихонов, А.Саидовлар конституция, конституциявий ҳуқуқга баъишланган китоб ва рисоалар чоп эттирганлар. Жумладан, Ш.Уразаев Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг вужудга келиши жараёни ва унинг аҳамияти хусусида тўхталса, А.Саидов конституциянинг амал қилиниши, бу борада бошқа давлатлар тажрибасини ёритиб беради.

Конституциямиздаги асосий тамойиллар ва кафолатлар ҳақидаги маълумотлар журнал, газета материалларида, Интернет сайтларида ҳам учрайди.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви ҳамда Конституциявий тамойиллар ва кафолатларни очиб бериш мақсадида ўз олдимизга қўйидаги вазифаларни қўйдик:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг тузилиши ҳақида тушунча бериш, унинг асосий мазмунига баҳо бериш;
- Конституциянинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини очиб бериш;
- Конституциямиздаги асосий тамойиллар моҳиятини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва уларнинг кафолатлари хусусида фикр юриштиш;
- Ўзбекистонда давлат бошқарувида уларнинг адолатли демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришдаги аҳамиятини тушунтиришдан иборатдир.

Ишнинг амалий аҳамияти. БМИда келтирилган маълумотлардан Давлат ва ҳуқуқ назарияси Ўзбекистон тарихи, Инсон ҳуқуқлари, Давлат ва ҳуқуқ асослари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш фанларидан курс иши, рефератлар ёзишда, семинар ва мустақил ишларга тайёргарлик

кўришда, Конституция ва давлат бошқарувининг ҳуқуқий асосларига баъишланган тадбирларга маъруза тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тўзилиши. Мазкур БМИ Кириш, 2-та боб, Хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-боб. Мустақил Ўзбекистонда давлат бошқарувининг Конституциявий асослари.

1.1. Конституциянинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти.

Истиклол шарофати билан биз мустақил давлатда, тинчлик ва осойишталикда умумбашарий кадриятларнинг энг биринчи асоси бўлган халқ инсонпарварлиги чашмаларидан бахраманд бўлмоқдамиз. Айни шу ҳол тараккиёт йўлидан дадил боришимиз ва бутун инсоният билан бирдамлигимизнинг, ҳамжихатлигимизнинг энг мустаҳкам кафолатидир. Зотан, миллий истиклол боис давлатчилик тажрибамизни, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий асосларини илмий-назарий тадқиқ этиш, уни ҳар томонлама урганиш истикболли вазифага айланди. Айниқеа, узбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, инсонпарвар демократик давлат барпо этиш конституциявий принсип сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида белгилаб қўйилганлиги масаланинг нақадар долзарблигидан далолат беради.

Маълумки, юртимизда қарийб бир ярим аср ҳукмронлик қилган чор ҳуқумати ва собиқ шўро давлати маҳаллий аҳолининг ҳуқуқий-сиёсий билими ва онги ўсишига тиш-тирноғи билан қаршилик қилди. Мустақиллашганининг ҳамма даврларида туб аҳоли вакилларининг давлат ишларида иштирок этишига деярли йўл берилмади. Барча ҳуқуқ ва имтиёзлар қелгиндилар измида бўлди. Ўзбеклар ўз юртида бегонадай бўлиб яшади. Бу, шубҳасиз, ҳуқуқсизликнинг ўта жирканч қуринишларидан бири эди. Шунинг учун ҳам мустақиллик боис, эндиликда «халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам қатта, улуг ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади. Яъни мустақиллик нафакат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этишда қатта ҳуқуққа эгаллик ҳам демақдир»¹. Авваламбор, ички ва ташқи сиёсатни миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаган ҳолда

¹ Қаримо, И.А. Халқсизлик ва барқарор тараккиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 29-30-бетлар.

юрғизиш ҳуқукига эга булдик. Шунингдек, юртимизнинг бебаҳо бойликларига чинакам эғалик ҳуқуқини кўлга киритиш, ундан халқ фаровонлиги йулида фойдаланишдек иктисодий эркинликка эришдик. Қрлаверса, истиклолга, озодликка, миллий давлатчиликка эга булишга, адолатли жамият куришга булган асрий орзу-умидларимизни **руёбга** чиқаришдек маънавий ҳуқуқ сохибига айландик.

Шу муносабат билан: «Ҳуқуқнинг ўзи нима?» «**Давлат нима дегани?**» «Уларнинг жамиятдаги вазифаси ва имкониятлари **нималардан** иборат?» деган саволлар кундаланг булиши табиий.

Авваламбор, мамлакатимизда ҳозирги даврда ҳуқуқий **билим ва** онгга, ҳуқуқий маданият, маънавият ва маърифатга **бўлган талаб ва** эҳтиёж тобора ортиб бормокда. Шу муносабат билан **Юртбошимиз** ҳуқуқий демократии давлат ва фуқаролик жамияти **барпо этилишини**, конунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат **қарор** топишини таъминлаш, шахсинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини **оширишда** ҳуқуқий билимдонликнинг ахамиятини қайта-қайта **таъкидлаб** келмокда. Ана шу ғоя ва назарий йўл-йўриқлар **унинг қатор** асарларида, нутқ ва маърузаларида, жумладан, «Ҳуқуқий **тарбияни** яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини **юксалтириш**, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, **жа-моатчилик** фикрини ўрганиш ишини яхшилаш хақида»ги **Фармонида** ўз ривожини топиб келаётганлигини алоҳида **эътироф этиш** лозим. Демак, «биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, **ўз кучи ва** имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган **воқеа-ҳодисаларга** мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни **замонда шахсий** манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан **уйғун** холда курадиган эркин, ҳар жихатдан баркамол инсонларни **тарбия-лашимиз керак**»².

Шу билан бирга, ҳозирги шароитда Ўзбекистоннинг **янги давлатчилигини** мустаҳкамлаш учун жамиятнинг сиёсий **институтлари** тизимида давлатнинг ўрни ва ахамиятини аниқ белгилаб **олиш** лозим. Айни пайтда миллий тараккиётнинг XXI аср **бошлари асосий** стратегик устувор йўналишларидан

² Каримов ИЛ. Ўзбекистон XXI асрга интиломовда. Т., «Ўзбекистон», 1999, 17-18-бетлар.

бири бўлган давлат ва жамият курилишини эркинлаштириш «Кучли давлатдан кучли фукаролик жамияти сари» сиёсий курилнш дастурининг мохиятини белгилаши ҳамда фукаролик жамиятининг мустахкам асосларини барпо этиш йўлидаги ишларимизнинг мазмунини ифода этиши даркор. Бизнинг шароитимизда шу каби жихатларни тўғри идрок этиш давлат ва ҳуқуқнинг мазмун-мохиятини теранрок англаш имконини беради. Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабхаларини модернизастиялаш, демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнида тарихий асоснинг илдизларига таянган холда, янги замонавий гоёлар, янгича ёндашувлар шаклланмокда. Бу хол давлат ва ҳуқуқ назариясининг катор масалаларига янгича назар ташлаш фурсати келганлигини кўрсатади. Айникса, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ҳуқуқий ислохотлар, ўзгаришлар, янгича ёндашувлар ҳуқуқ тушунчаси, мохияти, вазифасини бир қадар бошқача талкину таҳдил қилишни такозо этмокда. Шу ўринда, энг аввало, ҳуқуқ факат инсонгагина дахлдор ходиса эканлигини алоҳида эътироф этиш даркор. Шу нуктаи назардан инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият, айна чоғда бетакрор ижтимоий воқелиқдир. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, ор-номуси, шаъни, кадр-киммати, обрӯ-эътибори, дахлсизлиги, хавфсизлигини таъминлаш, сақлаш ҳуқуқнинг энг муқаддас ва энг шарафли вазифаси хисобланади. Шу каби ёндашувлардан келиб чиқиб айтганда, **инсоннинг маънавияти, шаъни, стадр-кстммати, ҳуқуқ, ва эркинликлари - юриспруденстия-нинг, юридик фаннинг, юридик амалиётнинг, қолаверса, давлат ва ҳуқуқ, умумий назариясининг бошлангич нуқтасидёр, бош констепстиясидир.**

Шу муносабат билан айтиш мумкинки, давлат ва ҳуқуқ назарияси буйича Ўзбекистон Ресгубликасининг амалдаги Конститустияси, жорий конунчилигимизни, шунингдек, жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа жараёнларни ўзида акс эттирувчи янги дарслиқлар, ўқув кўлланмалари, маърузалар тўпламлари, услубий ишланмалар, йирик илмий нашрларни фаол чоп этиш зарурати аллақачон

пишиб етилган. Шу уринда мазкур дарслик хам айнан шу мақсадда яратилганлигини алоҳида таъкидлашни истардик. Унда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, мамлакатдаги модернизастиялаш, демократик ўзгаришлар жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини аниқроқ ифодалашга ҳаракат қиларканмиз, биз ўтмишни, анъаналаримиз ва қадриятларимизни унутмаган ҳолда, катъий илмий асосларга ва ҳолисликка таянишга интилдик. Бундан кўзланган асосий мақсад - давлат-ҳуқуқ институтларининг ўрни, аҳамияти, вазифалари, ижтимоий ва услубий имкониятлари тўғрисида атрофлича билим олиш буйича бакалаврият талабалари ва магистратура тингловчиларининг, давлат ва ҳуқуқ назарияси масалалари билан шуғулланувчи мута-хассисларнинг талабларини муайян даражада кондиришга қаратилган.

Аслида давлат ва ҳуқуқ назарияси умумюримдик фан (юриспру-денстия)нинг негизини ташкил этиб, унинг ҳулосалари ва тавсияларисиз тармок юримдик фанларнинг тараккиёти ва хатто мавжуд булиши ҳақида фикр юритиш мумкин эмас. Миллий давлатчилигимизнинг бундан буёнги ривожини, инсон ҳуқуқлари устуворлигининг эътирофини, бозор муносабатларининг қарор топиши, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг барпо этилиши, ижтимоий онгдаги ўзгаришлар, азалий қадриятларнинг қайта баҳоланиши - буларнинг ҳаммаси фарозлар, тахминлар, қотиб қолган ақида ва «изм»лардан холи равишда илмий мулоҳаза қилишга муҳтождир. Президент Ислам Қаримов таъбири билан айтганда: «...одамларнинг онгида чуқур илдиз отган қарашларни ўзгартириш, ҳуқуқ-тартибот ходимлари, бутун адлия идоралари давлат манфаатларини эмас, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишига эришиш учун қанчалик катта, аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни амалга ошириш даркор. Шундай тушунча, шундай қараш кон-конимизга, вужудимизга сингиб кетиши лозим»³. Умуман олганда, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар йўли ва тақдири ҳақида аниқ тасаввурни шакллантириш вазифаси турибди. Шунга кўра ушбу дарсликда эътиборингизга

³ Қаримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. Т., «Ўзбекистон», 2005, 143-бет.

тақдим этилаётган мулохазалар нафакат хозирги давлат ва ҳуқуқ муаммоларини замонавий тушуниш асосида ёритилган, балки талабалар ва юриспруденстиани ўрганишга киришган барча ихлосмандлар олдидаги энг машаққатли иш мураккаб юридик билимлар мажмуини тўла ўзлаштиришга тайёрлаш мақсади ҳам кўйилган. Шунинг учун бизнинг мулохазаларимизда юридик фанларни ўзлаштириш учун муҳим аҳамиятга молик бўлган назарий фаннинг роли ва аҳамияти, давлатнинг, ҳуқуқнинг моҳияти, мазмуни, шакллари, механизми масалалари махсус кўриб чиқилган. Зотан, уларни чуқур ўзлаштирамай туриб бошқа юридик соҳалар устида самарали иш олиб бориш амри маҳолдир.

Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси ўзбек миллий давлатчилигининг ҳуқуқий кафолатларини ўзида мустаҳкамлаган. Конституция инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодаладиган демократия, ҳуқуқий ва адолатли давлатни куриш йўлларининг истиқболларини белгилаб берган.

Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган +омусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттирган. Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.¹

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясини А+Ш, Буюк Британия, Франция давлатлари, БМТ каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг олимлари юқори баҳоладилар. Чунки Асосий қонунни яратишда ҳам бой миллий-тарихий, ҳуқуқий меросимизга таянилган ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган қоидаларига ва илғор демократик давлатларнинг конституциявий тажрибасига асосланилган. Ўзбекистон Конституцияси – жаҳон сиёсий харитасида янги суверен давлат – Ўзбекистон давлати дунёга келиб, фаол яшаётганини кўрсатувчи муҳим ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжатдир.

¹ +аранг: Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг шу=у=ий кафолати.- Т., 1993. 21 б.

Ўзбекистон Конституцияси ўзбек миллий давлатчилигининг ҳуқуқий асоси сифатида бир қатор хусусиятларга эга.

Биринчидан, Конституция истиқлолга эришган янги мустақил давлатнинг асосий қомусидир. У ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, мафкураси, ғоясига кўра янги ҳуқуқий ҳужжат. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, бир партиянинг ҳукмронлиги каби иллатлар йўқ, жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи ва муқаддаси – инсон деган ғоя мустаҳкамланган. Шу асосда «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидаги муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечими берилган.

Иккинчидан, Конституцияда фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва қафолатланган. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир. Конституциянинг 2-моддасида «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар», - дейилган.¹

Учинчидан, Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирки, миллати, диний эътиқод ива бошқа хусусиятларидан қатъи назар тенг ҳуқуқларга эга. Конституция Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча шахслар, уларнинг миллати, элати, тили, урф-одати ва миллий анъаналаридан қатъи назар ҳурмат қилинишини ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлайди.

Тўртинчидан, фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдир. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким суднинг қарорисиз улардан маҳрум этилиши ёки чекланиши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Бешинчидан, Асосий қонунда ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси бўлмиш Конституция ва қонуннинг устуворлигини таъминлаш мустаҳкаланган. Бу бир томондан, барча жорий қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлишини, иккинчи томондан эса, қонун олдида ҳамманинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.:Ўзбекистон, 2003

баробарлигини англатади. Бирор-бир фуқаро давлат идораси, жамоат бирлашмаси, мансабдор шахс қонунга бўйсуниб мажбуриятдан холи бўлиши мумкин эмас.

Олтинчидан, Конституцияда ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётида мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглиги таъминланган ҳолда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган тадбирларга таяниш, хусусий мулкнинг ҳимоя қилиниши мустаҳкамланган. Чунки, мақсад ўл мулқига ўзи хўйжайин бўлган тадбиркорлар ва шахслар учун иқтисодий фаолият эркинлиги бериш, ишбилармонлик ташаббусига ва эркин бозор муносабатларига кенг йўл очишдир.

Еттинчидан, Конституцияга мувофиқ, давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий шароитлар яратиб беради, кўппартиявийлик ва фикрлар турли-туманлигининг қонуний асосларини яратади.

Саккизинчидан, хурфикрлилик, виждон ва диний эътиқоднинг ҳуқуқий мезонлари берилган. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динига амал қилиш ёки Бирон-бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ҳолда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

Тўққизинчидан, Конституцияда давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларининг тақсимланиши принципига асосланган ҳолда амалга оширилиши мустаҳкамланган. +онун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – ўзбек давлатининг учта асосий таянчидир.

1.2. Давлат бошқарувида ҳокимиятларнинг бўлиниш принципига асосланиши.

Давлат бошқарувида принципиал асослар бирон-бир давлат органи, мансабдор шахс, жамоа ёки жамоат ташкилоти, бирон-бир одам қонунни бузиши мумкин эмас. Қонунни бузганлик учун улар қатъий юридик жавобгарликка тортилади.

Энг аввало **қонуннинг устунлиги принципи** тўғрисида сўз юритар эканмиз, бу барча қонун ости ҳужжатлари унга мувофиқ бўлиши лозимлиги, мансабдор шахслар уни бажаришдан бўйин товламаслиги ёки уни бузмаслиги кераклигини назарда тутамиз. Бундан ташқари, барча оддий фуқаролар ҳам ўз хулқ-атворида қонунга риоя қилишлари лозим. Бунинг учун эса, улар шу жумладан, қонун мазмунидан хабардор бўлишлари керак.

Ҳуқуқий давлат Конституциянинг ҳуқуқий барқарорлигини ҳам назарда тутати. Уни муттасил ўзгартириш, тўлдириш ва янгилаш ўринли эмас. Зеро, бу ҳолда у давлатнинг барқарор, узоқ муддатли хусусиятга эга Асосий Қонуни бўлмайд қолади. Агар конституция жамиятнинг давлат даражасидаги хоҳиш-иродасини ифодаласа, уни ўзгартириш, янгилаш хусусий хоҳиш-иродага эмас, балки конституцияга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Қонунийликни мустаҳкамлаш муҳим вазифа бўлиб қолади, чунки бу – ҳуқуқий давлатнинг бош мезони. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинувчи барча ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияга мос бўлган ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида мажбурий саналган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлар ва фармойишлар қабул қилади, уларнинг ижросини таъминлайди. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Президентнинг норматив фармонларига асосланади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этиш учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – бутун қонунчилик-нинг юридик негизи. Унда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тузилиши асослари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви механизми, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг давлат Асосий Қонуни сифатидаги аҳамияти шу билан белгиланади. Конституция давлат ва жамият ҳаёти барча томонларининг асосий қоидаларини мустаҳкамлайди.

Ҳуқуқий давлатда қонунийликнинг муайян қафолатлари мавжуд бўлади. Бу ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, юридик ва халқаро қафолатлар қонунга риоя этилиши ва унинг бажарилишини таъминлайди. Қонунийликнинг сиёсий қафолатлари – бу, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва давлат тузумининг демократизми, сиёсий ва мафкуравий плюрализм, давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг фаол иштироки. Қонунийликнинг ижтимоий-иқтисодий қафолатлари – мулк шаклларининг турли-туманлиги, уларнинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар тенг ҳимоя қилинишини таъминлаш, эркин тадбиркорлик, фуқароларнинг ўз ижодий меҳнат қилиш қобилиятидан фойдаланиш ҳуқуқи, ишга ёллаш, ишдан бўшатиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг одилона шартлари ва ҳ.к. Қонунийликнинг юридик қафолатларига қуйидагилар киради: ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши лозим бўлган барча ижтимоий муносабатларнинг қонунлар ёки қонун ости ҳужжатлари билан норматив тартибга солинганлиги, қонунларга риоя этилишини назорат қилувчи махсус органлар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарали фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказган мансабдор шахсларни юридик жавобгарликка тортиш. Қонунийликнинг халқаро қафолатларига қуйидагилар киради: халқаро ташкилотлар, БМТ ихтисослаштирилган органларининг турли мамлакатларда инсон ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш борасидаги фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамловчи қонун ҳужжатлари бузилаётган минтақаларга юқорида зикр этилган ташкилотлар ва органлар вакилларининг

назорат сафарлари, фуқароларнинг ўз бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб халқаро органларга мурожаат этиш ҳуқуқи.

Қонунийлик ва ҳуқуқий давлат – кўп жиҳатдан ўхшаш категориялардир, бироқ улар ўртасида фарқ бор. Қонунийлик ҳуқуқ соҳасидаги барча субъектлар қонунларга сўзсиз риоя этишларини талаб қилади, ҳуқуқий давлат эса, худди шундай талабни халқ ҳокимияти функцияларини бажарувчи давлат тузилмаларига нисбатан ҳам қўяди. Шу сабабли ҳуқуқий давлатчилик, энг аввало, ҳокимият тузилмалари, чунончи: давлат ҳокимияти, бошқарув, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонун тантанасини англатади.

Энди ҳуқуқий давлатнинг асосий функциясини кўриб чиқамиз.

Ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўйилмайди. Боз устига, ҳуқуқий давлат бу ҳуқуқларни амалга оширишни қатъий ва изчил таъминлаши ва уларни ҳимоя қилиши лозим. Шу муносабат билан жамият ва давлат ҳаётининг турли жабҳаларида ҳуқуқий тенглик муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Унинг ечими давлат бундай тенгликни таъминловчи ишончли кафолатларни яратишини назарда тутаяди.

Ҳуқуқий давлатга хос бўлган инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари рўйхати халқаро ҳужжатларда ифодаланган. Бу, энг аввало, БМТ Бош Ассамблеяси 1948-йил 10-декабрда қабул қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966-йил 16-декабрда БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт” ва “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт” дир.

Кўрсатилган ҳужжатларда эълон қилинган ҳуқуқлар ва эркинликлар рўйхати ҳуқуқий давлатларнинг конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилган ва кафолатланган. Уларда шахсни юридик ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилади. Маълумки, айбсизлик презумпсиясиз шахсни юридик ҳимоя қилишни таъминлаш мумкин эмас. Айбсизлик презумпсияси ҳақиқий демократик давлат фуқароларнинг у ёки бу жиноятни содир этишда айбдорлиги

ёки айбсизлиги билан боғлиқ барча масалаларни фақат суд ҳал қилишини англатади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, ҳуқуқ ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситасидир⁴. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, ҳуқуқнинг жамиятдаги вазифаларини (ролини) белгилаш мумкин. *Унинг биринчи вазифаси ижтимоий тартиб интизомни ўрнатиш бўлиб ҳисобланади.* Албатта жамиятда тартиб интизомни, адолатни ўрнатишда, қарор топтиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, жумладан, суд ҳокимиятининг ўрни бекиёсдир. “Суд ҳокимияти мустақил ҳокимият. қонунга қатъий риоя қилиш ва унинг фуқаролар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш-суд ҳокимиятининг олий бурчидир.”⁵-деб таъкидлаб ўтган эди И.А.Каримов. Шунингдек, “...фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркор. Ваҳоланки, айрим тармоқ қонунларида ҳуқуқлари поймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, маъмурий йўл билан кўриб чиқиш тартиби ҳам учрайди.

Албатта, бу ҳол-Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ва бизнинг Конституциямиз талабларига зид. Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор!”¹ “Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатоғон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда кўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.”²

“Бугун бизнинг ҳуқуқий докторинамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси

⁴ =аранг: И.А.Каримов. Ватан саждагош каби му=аддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.19-20.

⁵ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий исти=лол, и=тисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.15-16.

¹ И.А.Каримов. Ватан саждагош каби му=аддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.17-18.

² И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмо= керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б.29.

талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлигига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади”³.

Шунингдек, И.А.Каримов фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда суднинг ахамиятига тўхталиб, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айтилиши вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим”⁴ деган эди. Ушбу билдирилиб ўтган фикр Конституциямизнинг 26-моддасида ҳам мустаҳкамланган. Маълумки, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширишда ва ҳимоя қилинишида, жамиятда тартиб интизомни, адолатни ўрнатишда суднинг роли беқиёс эканлиги ҳаммамизга маълум. Ҳозирги кунда Республикада суд ҳокимиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган. Булар жумласига, биринчидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлса, иккинчидан Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги қонунини (янги таҳрири) киритиш мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов “Биз қонунга бўйсиниб яшашни турмуш тарзига айлантормас эканмиз, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади.”¹ деган гапларни айтиб ўтган эди. Албатта, давлатда қонун устувор бўлса, унга ҳамма амал қилса, унинг талаблари сўзсиз бажарилса жамиятнинг салбий ҳолатлари бўлган ҳуқуқбузарлик ҳам, жиноятчилик ҳам камайган бўлар эди. Шу ўринда, Президентимиз И.А.Каримовнинг “...қонун устуворлиги заминидан кучли тартиб ва интизом ўрнатайлик! Ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайлик!”² деган гаплари ёдга тушади.

³ Ўша асар. –Б.35.

⁴ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, интизом, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.125-126.

¹ И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.19-20.

² И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан =олсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.312.

“қонунни ҳимоя қилиш суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича иш олиб боришдан иборат.

Биз мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етсак, ўшанда жамиятимизда жиноятчилар сони ҳам, эҳтимол, бу соҳада ишловчи ходимларнинг сони ҳам кескин камаяди.”¹

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жамиятда ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш учун, аввало, фуқароларнинг ўзи маъсулдир, яъни улар ижтимоий-сиёсий ҳаётда содир бўлаётган ҳар бир воқеага ва қабул қилинаётган қонунларга ўз муносабатини билдириб бориши лозим. Зеро, фуқароларимиз юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлсагина ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этишдан ўзини тўхтата олади.

“Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ” деб таъкидлар экан юртбошимиз². Шу ўринда жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланишини уқтирадилар.

Жиноят кодексининг бешта моддасига, агар жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, судлар томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик ҳақидаги нормалар киритиш таклиф этилмоқда.

Учинчидан, бутун жаҳонда муҳокама этилаётган муҳим масалалардан бири- ўлим жазосининг жиноий жазо чораси сифатида қолаётганлиги билан боғлиқ муаммодир. БМТ Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида жаҳон ҳамжамиятининг ушбу муаммога муносабати аниқ-равшан баён қилинган: “Ўлим жазоси масаласида кўзда тутиладиган

¹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмо= керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б.51.

² И.А.Каримов.Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмо= керак Т.10..Т.Ўзбекистон.2002.36-б.

асосий мақсад- дейилади ушбу ҳужжатда, - бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозим”.¹

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида акс эттиради.

иккинчи вазифаси, эркинликни вужудга келтириши, яъни қонун ҳужжатларида белгиланган ва тақиқланмаган барча ҳаракатларни эркин амалга олиририлишини таъминлашдир.

“Мақсадимиз эркин, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш. Ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш”²

“Конституцияга биноан ҳар бир кишига эркин танлаш, фикрлаш, эркин сайлов ҳуқуқи берилган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар давлат ҳокимиятининг бутун кучи, қонун кучи билан ишончли тарзда ҳимоя қилинади. Барчамиз жамиятнинг ҳар бир аъзоси фикри билан ҳисоблашишни ўрганишимиз, унинг ҳуқуқларини, аввало, ҳар бир кишининг ўз келажагини ўзи яратиш ҳуқуқини ҳурмат қилишимиз лозим.

Бу бугунги энг мушкул муаммо бўлиб, уни биргаликда бартараф этишимиз ва янги тушунчалар асосида фикр юритишни ўрганишимиз даркор.

Табиийки, фуқароларга берилган ҳуқуқ ва эркинликлар жамиятимиз қабул қилган қонун-қоидалар доирасида амал қилиши керак.

Бу ҳуқуқларни ҳаётга жорий этиш учун ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз конституцион ҳуқуқларини, унга шу ҳуқуқларни берадиган қонунларни пухта билиши зарур. Бусиз инсон ҳуқуқлари ва инсон эркинликлари тўғрисидаги барча мушоҳадалар қуруқ гап бўлиб қолаверади.

¹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмо= керак.Т.10.Т.Ўзбекистон.2002.39-б.

² И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз =ўлимиз билан =ураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.52

қисқаси, кишиларимизнинг, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарурлиги ҳақида такрор-такрор гапиришга тўғри келади. Бу ўринда кўп нарса раҳбарларимизга, ана шу қонун ва ҳуқуқларни муҳофаза қиладиган кишиларга боғлиқ. Энг муҳими, улар қонун талабларини сўзсиз бажаришда, қонунларга итоат қилишда бошқаларга ўрнак бўлишлари лозим”¹.

Жамиятда эркинликни вужудга келтириш учун, маълум соҳаларни эркинлаштириш ҳам талаб этилади. Бу тўғрисидаги фикрлар Президентимиз И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, деб номланган маърузасида баён қилинган. Ушбу маърузада, давлат ва жамият қурилишини, сиёсий соҳани, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнини эркинлаштириш борасида масалаларга тўхталиб ўтилган.

учинчи вазифаси, адолатпарварликни вужудга келтириш ҳисобланади. Президентимиз И.А.Каримов, “Мамлакатда адолат тамойили амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Бошқача айтганда ана шу уч субъект-давлат, жамият ва инсон муносабатларида уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-боболаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади. Улар бир бирининг ҳуқуқини яхши билиши ва ҳурмат қилиши осойишталик ва фаровонликнинг зарур шarti ва муҳим омилидир”¹, деб таъкидлаб ўтган эди.

“Дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унитмаслик керак.”² “Адолат ва қонун устуворлиги учун, унинг талабларини ҳаётимизга жорий этиш учун биргалашиб курашмоғимиз, фидойи бўлмоғимиз керак. қонун, яна бир бор қонун-катгаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъий назар,-барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!”⁶

¹ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз =ўлимиз билан =ураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.158-159.

¹ И.А.Каримов. Хавфсиз ва бар=арор тара==иёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.26-27.

² И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз =ўлимиз билан =ураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.240.

⁶ Ўша асар. –Б.252.

Шунингдек, адолатни вужудга келтиришда ҳуқуқни қўлловчи шахсларнинг ҳам ўрни беқиёс. Улар оддий фуқаролар билан бир каторда қонунларга бўйсунуши лозим, зеро қонун олдида барча баробардир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Кимки, ҳуқуқ-тартибот органларида ишлайман, қонунни истаганча оёқости қилишим мумкин, мушугимни биров "пишт" деёлмайди, деб ўйлаган бўлса, янглишади. Органларда содир этилган ҳар қандай жиноят, аввало, органларнинг, ҳокимият тизимининг обрўсини тўқади, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга катта зиён етказди.

Мана шу юксак минбардан туриб, мазкур соҳа ходимларини огоҳлантирмоқчиман: сизларга бошқаларга нисбатан алоҳида талаб қўйилади. Шундан хулоса: сафингизда йўл қўйилган ҳар қандай қонунбузарлик ва жиноят учун шафқатсиз жазо оласизлар!

Мен бир вақт айтувдимки, халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидайди, лекин ҳеч қачон адолат бузилишига чидамайди.

Адолат қачон бузилади?

Амалда ўтирган, вазифада ўтирган одам ўзи ахлоқий, маънавий нуқтаи назардан бузилса, нафсини тиёлмаса, тўғри йўлдан чиқса, мана шунда адолат бузилади, мана шунда одамлар бизларга нисбатан ишончини йўқотади.”¹

“Адолат” сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.”¹

“Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”.²

¹ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз =ўлимиз билан =ураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.34.

¹ Ўша асар. –Б239.

² И.А.Каримов. Ватан саждағош каби му=аддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.11.

“Раҳбарликнинг энг буюк мезони адолат. Бу сўзнинг замирида бутун халқ тақдири, жамият истиқболи, мамлакатимиз келажаги мужассам бўлган. Буни чуқурроқ тушунайлик, чуқурроқ англайлик. Адолат ҳамма нарсадан устун бўлиши керак.

"Куч-адолатда" деган Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган ўғит-насиҳатларини эсимиздан, хаёлимиздан чиқаришига ҳаққимиз йўқ.

Ўзидан бир поғона юқори бўлган кишининг олдида икки букилиб, ўзидан бир поғона паст бўлган одамни оёқ ости қилиш эски мустабид тузум ва жамиятнинг тимсоли эди. Биз бундай иллатлардан қутулишимиз, уни бутунлай йўқотишимиз керак.

Ҳақиқий раҳбар барчага бирдай одилona муносабатда бўлади. Албатга, одамлар ҳар хил бўлади. Уларнинг орасида гап укмайдиган, баъзан эса рўй-рост эътироз билдирадиганлари ҳам бўлади. Халқ дегани барча фазилатлари билан бир қаторда нуқсонлари билан ҳам яхлитлигича халқдир. Ҳақиқий раҳбар ана шу яхлитликни англаб, ақл билан ҳис этиб, уларнинг бошини қовуштириб, ўзига эргаштира олиши билан халқ олдида муносиб ҳурмат ва иззат қозонади.

Ҳақиқий раҳбар, одамларнинг кўнглига йўл топиб, уларни эзгуликка, яхшиликка даъват қилади ва ўзи ҳам одамлар юрагидан жой олади. Ана шундай бахт барчага каттаю- кичик раҳбарларга насиб этишини хоҳлайман”¹

“Мана, Бош Прокуратура, Олий Суд, Адлия вазирлиги, Олий Хўжалик суди... Сизларга катта ишонч билдирганмиз, сизларни қонунни ҳимоя қиладиган одамлар деб биламиз. Сизлар ҳалол ва одилona иш юритсангиз, бизда ҳуқуқий давлат, адолатли жамият қуришга имконият пайдо бўлади.”²

Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов баъзи бир шахсларнинг ўз ишларига лоқайдлигини танқид қилиб, шундай ачинарли ҳолатларни таъкидлаб ўтган эди, “Нима, ҳуқуқий асосларимиз бўшми ёки умуман масъулиятни унутиб қўйдикми? Балки баъзи бир мансабдор кимсалар иккиламчи сиёсат олиб бораётгандир?

...Ўзи ҳудудларда қонунларимизни ҳимоя қиладиганлар борми-йўқми?!

¹ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз =ўлимиз билан =ураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.76-77.

² Ўша асар. –Б.34.

...қонунларнинг ижроси устидан назорат прокурорнинг вазифаси эмасми?!
Агар туманда қонун бажарилмаса, прокурор унда нима қилиб ўтирибди?!”³

“Агар қонунларда кўзда тутилган мақсадларга эришмоқчи бўлсак, авваламбор ташкилий ишларни-бу қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ишларини қатъият билан амалга оширишимиз керак”.¹

“қонун, яна бир бор қонун-каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъий назар,-барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!”²

“Энг аввало, қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этиш, қонунларимизнинг мукамал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур. Шу билан бирга, қонунчилик ва меъёрий аосларни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриши керак.”³

Жамиятда адолатни ўрнатишда суднинг ўрни ҳам беқиёс эканлиги ҳаммамизга маълум. Президентимиз ташаббуси билан, жамиятда адолатни ўрнатиш, тартиб интизомга эришиш мақсадида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга оширилмоқда.

Президентмиз И.А.Каримов Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз, деб номланган маърузасида шундай фикрни билдириб ўтади: “Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор”. Албатта суд жараёнида адвокатнинг аҳамияти катта. Чунки фуқаролар тергов органлари томонидан амалга оширилаётган ҳарактлар қонунийми ёки қонуний эмасми, у ўзини ҳимоя қилишнинг қандай воситаларидан фойдалана олади, деган саволларга жавоб топишда маълум бир қийинчиликларга дучор бўлиши мумкин. Адвокат эса, ушбу ҳаракатлар қонуний бўлишини назорат қилиб, ўз миқозига тегишли маслаҳатлар бериб, ҳуқуқини ҳимоя қилиб туради.

³ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз =ўлимиз билан =ураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.52-53.

¹ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз =ўлимиз билан =ураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.37.

² Ўша асар. –Б252.

³ Ўша асар. –Б383.

Тўртинчи вазифаси тенглик бўлиб ушбу қоида Конституциямизда белгилаб кўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мовқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар.

Ҳуқуқнинг ушбу тенгликни ўрнатиш вазифаси ҳақида гапирганда Президентимиз И.А.Каримов томонидан таъкидлаб ўтилган қуйидаги гапларни келтириш мақсадга мувофиқдир. У: “ҳуқуқий давлатнинг барча фуқаролари қонун олдида тенг. қонун жамият тинчлиги ва хавфсизлигини муҳофаза этади”¹ деган эди. Шунингдек, “Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, Республикаимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишига муносибдир”², деган ғояларни илгари сурган.

1-бобга доир хулосалар.

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек сиёсий мақсадларга эришиш, шунингдек, собиқ тоталитар тузумдан

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истилол, итисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.15.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1999. -Б.16.

инсонпарвар демократик тузумга ўтиш, янги жамият барпо этиш айнан туб ислохотлар орқали амалга оширилади.

Зотан, Ўзбекистон ўз истиқлолини қўлга киритган дастлабки кунлариданоқ аввало, иқтисодий - ижтимоий ислохотларимизнинг асоси бўлган, дунёда «ўзбек модели» деб ном олган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили ишлаб чиқилди.

Бугун шуни ишонч билан айта оламизки, нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки жамиятимизни сиёсий ва маънавий жиҳатдан янгилаш борасида ҳам биз танлаган тараққиёт модели ва асосий ривожланиш тамойиллари ҳаётда ўзини оқламоқда.

Шу билан бирга, бу устувор йўналишларнинг айримлари - хусусан, қонун устуворлиги, ислохотларни босқичма-босқич жорий этиш, кучли ижтимоий сиёсат каби тамойиллар мамлакатимизни ривожлантиришнинг кейинги даврларида ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Айни пайтда, шуни айтишимиз зарурки, Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ҳуқуқий ўзгаришлар ва янгилашнилар жараёнининг кўлами кенгайиб, самарадорлиги ошиб боргани сари жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш зарурати туғилди. Шу боис ҳам биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг XIV сессиясида ва Олий Мажлиснинг 2000 йилги I сессиясида жамиятни сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштиришга қаратилган стратегик дастур қабул қилинди.¹

Шундан буён ўтган вақт мобайнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, хусусий мулкни, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоялаш борасида зарур қафолатларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди ва бу йўналишдаги ишлар ҳозирда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

¹ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. - Т.: Шарқ, 2003, 3-бет.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг бу соҳаларида муносабатларни тартибга солувчи бир қатор янги қонунлар қабул қилинди ва кўпгина қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилди, қонунларни амалиётда қўллаш жазо тизимни тубдан кўриб чиқиш соҳасида жиддий ўзгаришлар, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятида қатъий ва мустақил ташқи сиёсат натижасида муносиб ўрин эгаллади. Айтиш керакки, бу Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича давлатимиз олға сурган барча маълум ташаббуслар, қилинган катта амалий ишларнинг самарасигина бўлибгина қолмасдан, айтиш пайтда мамлакатимизда демократик тамойиллар ва бозор ислохотларини амалга ошириш жараёнида намоён бўлаётган жиддий ижобий ўзгаришларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишидир.

2-боб. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари.

2.1. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг асосий шакллари.

Давлат узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди, шу давр ичида ривожланиб, шаклланиб, ўзгариб келди. Табиийки, давлат инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳар хил шаклларга эга бўлган. Давлат шакли ҳақидаги масала муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳуқуқшунос олимлар давлат шаклига турлича таъриф берадилар. Масалан, бир гуруҳ олимлар «давлат тузуми» иборасини «давлат шакли»нинг синоними сифатида қўллайдилар ва давлат шакли тушунчасига давлатнинг бошқарув шакли, давлатнинг тузилиш шакли ва сиёсий режим киради, деб ҳисоблайдилар. Иккинчи гуруҳ олимлар давлат шаклига бошқарув шакли ва тузилиш шакллари киради деб, унга сиёсий режимни қўшмайдилар. Яна бир тоифа ҳуқуқшунослар давлат шакли – бу давлат ҳокимиятининг тузилиш шаклидир, дейдилар. Давлатнинг шакли тарихий шарт-шароитга, жамиятнинг ижтимоий тузумига, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига, демографик ва географик вазиятга ҳамда турли форматсияларга боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, давлат шакли уч тушунчани: давлатнинг бошқарув шакли, тузилиш шакли ва сиёсий режимни ўз ичига олади.

Бошқарув шакли давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг шакллантирилиши ва ташкил этилиши тартиби, уларнинг ўзаро ҳамда аҳоли билан алоқадорлигидир. Бу тушунча орқали мамлакатда ким ҳукмрон ва у ҳокимиятни қандай бошқаради, деган саволларга жавоб олинади. Бошқарув шаклига қараб давлатларнинг монархия ва республика шакллари фарқланади.

Давлат тузилиши шакли орқали давлатнинг ҳудудий таркиби, марказий ва маҳаллий ҳокимият идораларининг ўзаро муносабати (нисбати) ифодаланади. Тузилиш шаклига кўра давлатлар оддий (унитар) ва мураккаб (федератив, конфедератив) турларга ажраладилар.

Сиёсий (давлат ҳуқуқий) режим давлат ҳокимиятини амалга ошириш усуллари (методлари) ва воситалари йиғиндисидир. Давлат ҳокимиятини амалга ошириш усул ва воситалари тоифасига кўра демократик ва авторитар сиёсий режимлар фарқланади.

Лекин шуни таъкидлаш жоизки, булар ҳозирча давлат шаклини тушунишга умумий ёндашув, энг илк танишувдир. Уни батафсилроқ тушуниш учун давлат шаклини ташкил этувчи учала жиҳатни диққат билан ўрганиш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзаро таъсирини кузатиш ҳамда назарий, сиёсий-ҳуқуқий тафаккур юз йиллар давомида давлатни ўрганар экан, давлат шаклининг айнан шундай мазмунини нега алоҳида ажратиб кўрсатганлигини тушунишга ҳаракат қилиш керак.

Давлат шаклини бундай тушуниш дабдурустдан таркиб топмаганлиги ва ҳозир ҳам унга айрим олимлар қўшилмасликларини қайд этиб ўтиш жоиз. Узоқ вақт давомида давлат шакли бошқарув шакли ва давлат тузилиши шаклидан (биз келтирган таркибдан дастлабки иккитасидан) иборат деб ҳисоблаб келинганди. Кейинчалик унга сиёсий идора усули қўшилди. «Давлат шакли» ва «сиёсий идора усули» ўртасига тенглик аломатини қўювчилар ҳам бўлганди. Бунга асос ҳам бор эди. Бироқ буни кейинроқ «сиёсий (давлат) идора усули» тушунчасини батафсил кўриб чиқиш вақтида яхшироқ тушуниб оламиз. Шунга қарамай, ҳозирги кунда давлат ҳокимияти ташкилоти уч қисм — бошқарув, давлат (сиёсий) тузилиши ҳамда давлат (сиёсий) идора усули — бирлигидан ташкил топади, деган концепсия кенг тарқалган.

Давлатнинг моҳиятини тушунишда давлат бошқарув шакли алоҳида аҳамиятга эга. Бошқарув шакли давлат ҳокимиятини ташкил этиш мазмунини англатади.

Давлат бошқарув шакли инсониятни қадимдан қизиқтириб келган. Бунда давлатни ким бошқаради, давлат қандай бошқарилади, деган масалаларга ва унинг бошқариш шакллариغا Афлотун, Арасту, Форобий, Монтеске, Локк, Руссо ва бошқа мутафаккирлар ўз асарларида алоҳида эътибор қаратганлар. Бошқарув шакли деганда, олий давлат ҳокимияти, унинг идоралари аҳоли билан ўзаро муносабати, аҳолининг ушбу идораларни шакллантиришда иштирок этиши тушунилади. Бошқарув шаклига кўра, давлатлар монархия ва республикага бўлинади. «Монархия» юнонча сўздан олинган бўлиб, якка ҳукмронлик, якка ҳокимиятчилик, деган маънони англатади.

Монархиянинг қуйидаги белгилари мавжуд:

1. Монарх давлатни шахсийлаштиради.

Монарх ташқи ва ички сиёсатда давлат бошлиғи ҳисобланади;

Монарх давлатни ўзи якка бошқаради.

Монарх ҳокимияти муқаддас ва дахлсиз деб эълон қилинади.

Ҳокимиятни ўрнатиш ва қабул қилишнинг алоҳида тартиби мавжуд.

Монарх ўз бошқарув фаолияти натижаси учун юридик жиҳатдан жавобгар бўлмайди.

Монарх давлатни танҳо ҳокимлик асосида бошқаради. Албатта, бу давлатни барча ишларини унинг бир ўзи ҳал этар экан, деган маънони билдирмайди.

Турли давлат органларида хизмат қилувчи кўп сонли маслаҳатчилар, вазирлар, амалдорлар давлат ишларини бошқаришда иштирок этади. Айни пайтда, энг муҳим давлат ишлари бўйича монархнинг ўзи ҳукм чиқаришига тўғри келади.

У давлат ҳокимиятининг тўлақонли суверен эгасидир. Монарх ҳокимияти олий мақомга эга бўлиб, у мустақилдир. У – давлатдаги олий ҳокимиятдир.

Монархия ҳокимияти ворислик асосида бир авлоддан иккинчи авлодга мерос бўлиб ўтади. Ҳокимиятни бир шахсдан иккинчисига ўтишига халқнинг ҳеч қандай алоқаси бўлмайди. Монарх муддатсиз, умрбод ҳокимият эгаси ҳисобланади. Лекин монархлар ағдариб ташланганлиги, ўлдирилганлиги, бошқа кишилар билан алмаштирилганлигига тарихда мисоллар кўп. Монарх сиёсий бошқарувда масъулиятдан озод ҳисобланади, яъни у ўз бошқаруви натижалари учун юридик ва сиёсий жавобгар ҳисобланмайди. Масалан: 1809-йилда Шветсияда давлат бошқаруви қонунда кўрсатилишича, Қиролнинг хатти-ҳаракатлари қонунга кирмайди, деб кўрсатилган. Монархиянинг икки тури мавжуд: мутлақ монархия ва чекланган монархия.

Давлат ҳокимияти бошқа биронта идора ваколатлари билан чекланмаган ҳолда амалга оширилса, бундай монархия мутлақ монархия дейилади. Агар монарх ҳокимияти Конституция асосида амал қиладиган бирон-бир ваколатли идора билан чекланган бўлса, бундай монархия чекланган, ёки парламентар шаклдаги монархия бўлади. Чекланган монархия давлатлари, ўз навбатида, дуалистик ва

парламентар монархияга бўлинади. Дуалистик монархия давлатларига Саудия Арабистони, Қувайт каби давлатлар киради. Уларда ҳокимият подшо билан парламент ўртасида тақсимланган. Амалда давлатни подшо бошқаради. Подшо ҳукуматни тузиш, парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Парламентар монархия шаклидаги давлатларда – давлат бошлиғи монарх, қирол, қиролича, подшо, император бўлиб, амалда улар давлатни бошқармайди, ҳуқуқлари чекланган бўлади, давлатни ҳукумат бошқаради. Масалан, Англия, Япония, Белгия, Шветсия каби давлатларда давлат бошлиғининг давлат ишларини олиб боришда мамлакатда ва халқаро миқёсда ўрни каттадир.

Республика шаклида давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг олий органи сайлаб қўйиш йўли билан ташкил топади ва у маълум муддатга сайланади. «Республика» лотинча сўз бўлиб, «жамоа иши», «халқ иши» деган маънони билдиради. Республиканинг асосий белгилари – ҳокимият олий органларининг сайлаб қўйилиши, ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши, қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи орган – судларнинг мавжудлиги, фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда кенг иштирок этиши.

Жамият тараққиётида давлат бошқаруви республика шаклининг бир неча кўринишлари маълум.

Афина давлатида (ерамизгача V – IV асрлар) бошқарувнинг демократик республика шакли мавжуд бўлган. Унда афиналик эркин фуқароларнинг қулга айланишига йўл қўйилмасди. Бу республикада ижтимоий рақобат, қулга эгалик қилишнинг махсус тартиби, жамоа қулчилиги мавжуд эди. Шунингдек, Афинада давлат бошқарувининг самарали тизими фаолият кўрсатарди.

Спарта (ерамизгача V – IV асрлар) ва Рим давлатлари (ерамизгача V – III асрлар) аристократик республикалар бўлган. Улар давлат сифатида аксарият аҳолининг аристократия, нуфузли киборлар қисми манфаатларини ифодалаган. Шунингдек, шаҳар – республикалари ҳам мавжуд бўлиб, уларда фуқароларнинг эркинликлари ва хусусий мулк муносабатларининг эркинлиги тан олинган. Шаҳар – республикалар Флоренсия, Венетсия – Италияда; Новгород, Псков –

Россияда ва Германия, Франция, Англияда ҳам шаҳар республикалари мавжуд бўлган.

Республика ҳозирги дунёда кенг тарқалган давлат бошқарув шакли бўлиб, унинг икки кўриниши мавжуд: 1) президентлик республикаси; 2) парламентар республика.

Президентлик республикасида ҳукуматни президент тузади ва у президент олдида ҳисобот беради. Президент давлат бошлиғи ҳисобланади ва президент махсус тартибда халқ томонидан сайланади. Масалан: Россия, АҚШ, Франция, Италия, Ўзбекистон Республикаси ва бошқаларда президент халқ томонидан сайланади. Бу борада тегишли қонунлар мавжуд.

Парламентар республикада – ҳукумат парламент томонидан тузилади ва у парламент олдида ҳисобот беради. Парламент вакиллик ва қонун чиқарувчи идора бўлиб, ижро ҳокимиятини амалга оширишда асосий ўринни ҳукумат бошлиғи эгаллайди. Ҳукумат – Вазирлар Кенгаши деб номланиб, у парламент томонидан тузилади ва унинг олдида жавоб беради. Германия, Ҳиндистон, Туркия каби давлатлар парламентар республика шаклидаги давлатлар қаторига киради.

Давлатнинг тузилиш шакли деганда, у давлатни сиёсий, маъмурий, ҳудудий тузилиши ва уни олий органлари билан маҳаллий органлари ўртасидаги алоқалар назарда тутилади. Давлат тузилиш шакли иккига бўлинади: оддий (унитар); мураккаб (федератив ва конфедератив).

Оддий (унитар) давлат тузилишида маъмурий ҳудудий қисмларга (вилоятлар, штатлар, округлар, графликлар, туманларга) бўлиниб, у ягона олий органга, ягона бошқарув органлари тизимига, битта Конституцияга ягона фуқароликка, муайян ҳудудга, давлат чегарасига, ягона армияга ва қонунчилик тизимига эга бўлган давлатдир. Масалан, Франция, Италия, Украина, Қозоғистон каби давлатлар унитар давлатлар ҳисобланади.

Унитар давлатлар ҳудудида бошқа мустақил давлатлар мавжуд бўлмайди. Унитар давлатлар ичидаги маъмурий-ҳудудий бўлинмалар фақат маҳаллий

масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга, марказий ягона давлат ҳокимияти мамлакатнинг бутун ҳудудига ўз таъсирини танҳо ўтказди.

Федератив давлат – тенг ҳуқуқли республикалар, штатлар, контонлар ва бошқа давлат тузилмаларининг ихтиёрий бирлашувидан иборат. Федератив давлат таркибига кирувчи субъектлар ўзининг қонун чиқарувчи органларига, ўз ҳуқуматига, суд органларига эга бўлган бир неча давлат тузилмалари иттифоқидан иборат бўлади.

Федератив давлат белгилари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, унинг ҳудуди субъектлар ҳудуди йиғиндисидан иборат бўлади.

Иккинчидан, олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти федератсия ва субъектлар миқёсида икки поғонали бўлади. Федератсия ва унинг субъектларининг ваколатлари федератсия конституциясида белгилаб қўйилади.

Учинчидан, икки фуқаролик мавжуд бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг бир вақтнинг ўзида ҳам федератив давлат фуқароси, ҳам федератсия субъекти фуқароси эканлигини билдиради.

Федератсия таркибига кирувчи давлатлар ихтиёрий равишда бирлашиб, марказлашган давлатни ташкил қилади. Федератсияда барча аъзолар номидан марказий идоралар мамлакат ички ва ташқи сиёсатида ягона иш олиб боради ва унинг манфаатларини ҳимоя қилади. Масалан, дунёда ҳозирги кунда йигирмадан ортиқ федератив шаклдаги давлатлар мавжуд. Булар Россия, Бразилия, Ҳиндистон, Германия, АҚШ, Швейсария, Мексика, Канада ва бошқалар.

Конфедератсия – бир неча давлатларнинг айрим муҳим соҳалар, яъни иқтисодий, сиёсий, мудофаа масалалари бўйича тузган иттифоқидир. Конфедератсияда ягона давлат ҳудуди, ягона фуқаролик бўлмайди. Конфедератсия бу тўла мустақил давлатларнинг кўнгилли иттифоқидир. Унинг белгилари қуйидагилардан иборат:

конфедератсия муайян мақсадларга эришиши учун бирлашган мустақил давлатларнинг иттифоқи;

барқарор бўлмаган сиёсий тузилма;

ягона ҳудуднинг бўлмаслиги;

ягона фуқароликнинг ўрнатилмаслиги;

конфедератсия субъектлари ундан эркин ҳолатида чиқиб кетиши мумкинлиги;

б) конфедератсия субъектлари қонунчилик ҳужжатларини қўлламаслик ҳуқуқига эгаллиги;

конфедератсия ваколатига чекланган доирадаги масалаларни ҳал этиш кириши;

конфедератсия бюджети унинг аъзолари ихтиёрий бадалларидан ташкил топиши.

Ҳозирги вақтда Европанинг 15 та давлатини бирлаштирган Европа иттифоқи давлатларининг ҳамдўстлик конфедератсияси мавжуд. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги конфедератсия эмас

Ўзбекистон Республикасида сиёсий режим – давлат ҳокимиятини амалга оширишда фойдаланиладиган тартиб ва усулларнинг йиғиндиси.

Сиёсий режим тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланилади. Кенг маънодаги ёндашувда сиёсий режим барча сиёсий ҳаёт, умуман жамият сиёсий тизими ҳодисаларининг намоён бўлиши ва тартиби тушунилади. Тор маънодаги ёндашув эса сиёсий режимни фақат давлат ҳаёти, давлат ҳокимиятини рўёбга чиқариш билан боғлиқ ҳодисалар ва усуллар намоён бўлиши тарзида талқин этади.

Ҳар бир мамлакатда давлат ҳокимияти ўзига хос хусусиятларга эга, шу боис сиёсий режим ҳам турлича қарор топади ва намоён бўлади. Бироқ сиёсий режимни муайян белгиларига кўра икки турга ажратиш мумкин: авторитар ва демократик режимлар.

Авторитар сиёсий режимни изоҳлайдиган асосий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

– фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланганлиги, бекор қилинганлиги ёки умуман йўқлиги;

– давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг чекланганлиги, тугатилганлиги ёки умуман тақиқланганлиги;

- давлат ҳокимияти устидан халқ назоратининг йўқлиги, уларнинг яширин усуллар билан шакллантирилиши;
- бутун ҳокимиятнинг ягона шахс (бир орган ёки бир неча шахс) қўлида тўпланганлиги;
- давлат ҳокимиятини амалга оширишда маъмурий – буйруқбозлик, баъзан террорчилик (ўзбошимчалик, зўравонлик) усулларининг қўлланилиши;
- тараққийпарвар сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг тақиқланганлиги, чекланганлиги ёки тарқатиб юборилганлиги;
- сиёсий монизм, яъни яқка мафкуранинг устунлиги, унинг давлат мафкураси даражасига кўтарилганлиги;
- фуқаролик жамиятининг мавжуд эмаслиги, унинг институтларининг чекланганлиги, ижтимоий манфаатларни ифодалаш имкониятларининг тақиқланганлиги.

Давлат ва ҳуқуқ назариясида авторитар режимнинг деспотик, тирания, тоталитар, фашистик ва ҳ.к. тарихий турлари фарқланади.

Демократик сиёсий тартибда давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳолини турли жамоат ташкилотларига бирлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини халқ иштирокида сайлаш, давлатни бошқаришда кенг халқ оммасининг иштирок этиши таъминланади. Демократик тартиб икки шаклда амалга оширилади: вакиллик демократияси ва бевосита демократия. Вакиллик демократиясида халқ ўзи сайлаган депутатлари орқали давлат аҳамиятига эга бўлган иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий масалаларни муҳокама қилиш, ҳал этиш ҳақида қарор қабул қилиш ва давлатни идора этишда қатнашади.

Бевосита демократияда давлатни идора этишда халқнинг бевосита иштироки таъминланади, яъни давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларни ҳал этишда умумхалқ овозига қўйиш (референдум)ни амалга ошириш мумкин. Ғайридемократик сиёсий тартиб демократик усулга қарши бўлиб, тоталитар, авторитар ва фашистик шаклда бўлади.

Тоталитар усулда давлат бошқаруви марказлашган ва буйруқбозлик асосида бўлади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланмайди, барча давлат ҳокимияти ягона диктатура тарзида амалга оширилади. Масалан, собиқ Иттифоқ ягона коммунистик партия диктатураси асосида бошқарилган. У тоталитар давлат бўлиб, охир-оқибат инқирозга учради.

Демократик сиёсий режимнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларининг мавжудлиги; – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбайи халқ эканлиги; – вакиллик ҳокимият органларининг тўлақонли фаолият кўрсатиши;
- сиёсий қарорлар қабул қилиниши устидан халқ назоратининг ўрнатилганлиги;
- ҳокимият ваколатларининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ўртасида тақсимланганлиги;
- давлатнинг фуқаролик жамияти ҳаётига қонунсиз аралаша олмаслиги;
- ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятининг қонунга тўла асосланганлиги;
- жамоат бирлашмалари тизимининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идораларнинг мавжудлиги;
- сиёсий партияларнинг муҳолифатда бўлиш эркинлигининг таъминланганлиги;
- сиёсий плюрализм қарор топганлиги - турли ижтимоий гуруҳлар ўз манфаат (фикр)ларини эркин ифодалаш имкониятига эгалиги;
- фуқаролик жамиятининг шаклланганлиги.

Демократик сиёсий режим доирасида либерал ёки либерал-демократик режим турлари фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин, давлатни бошқаришда президентлик институти жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси бошқарув шакли бўйича Президентлик Республикаси шаклидаги давлат, тузилиш шакли бўйича оддий — унитар давлатдир, сиёсий режимига кўра, демократик тартибдаги давлат. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кунидан бошлаб ҳозирги кунга қадар ўзининг мустақил тараққиёт

йўлини танлаб олди. Бу Президентимиз ЛА. Каримовнинг: «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида ҳам кўрсатиб ўтилган. Бу рисолада ёш суверен давлат ривожланишининг беш тамойили белгилаб берилган:

иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги, давлат бош ислохотчи, қонун устуворлиги, ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ва кучли ижтимоий сиёсат. Унга кўра Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлида умуминсоний кадриятларни қайта тиклаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигини тан олиш асосида халқаро ва шарқ миллий давлатчилик тажрибаларига асосланиб, келгусида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этади.

1991-йилнинг 31-август куни ўзбек халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи амалга ошди — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Республика бутун кўпмиллатли аҳолисининг иродаси «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда мустақамланди ҳамда умумхалқ референдумида яқдил тасдиғини топди. Мустақиллик қўлга киритилиши билан дарҳол республикада демократик ҳуқуқий давлат асослари вужудга келтирила бошланди. Республикада амалда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов ҳокимиятларига бўлиниши тамойили амал қилмоқда.

Икки палатали парламентнинг қарор топиши (2004-йил, декабр-2005-йил, январ) давлатчилигимиз тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ҳуқуқий асосини вужудга келтириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўслимчалар киритиш тўғрисида» конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Буларнинг ҳаммаси қонун чиқариш ишини янада фаол йўлга қўйишни тақозо этади. Давлат бошқарувининг янги тизими шаклланди. Бошқарувнинг президентлик республикаси шакли бу тизимнинг ўзаги бўлди. Жойлардаги бошқарув тизимида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлик лавозимлари

жорий этилди. Қонун устуворлигини, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминловчи суд ҳокимиятини қайта ташкил этиш ва ваколатларини янада кенгайтириш ишлари фаол олиб борилмоқда. Президент И. А. Каримов «Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади», — деб таъкидлади⁷.

Давлатнинг шакллари:

Давлатнинг бошқарув шакллари монархия республика. Илк-феодал монархия Табақа — вакиллик монархияси Мутлақ монархия Сиёсий режим-Демократик Либерал-демократик, авторитар, фашистик тоталитар. Давлатнинг тузилиш шакллари: унитар, федератив, дуалистик монархия, чекланган монархия (конституциявий, парламентар), конфедератив, аристократик республика демократик республика, парламентар республика президентлик республика Изох: кулдорлик тузумида монархиянинг Шарқ деспотияси кўриниши ҳам бўлган.

Масалан: Қадимги Бобил, Қадимги Миср, Қадимги Хитой. Шарқий деспотия монархияси бошқаравнинг қаттиқ марказлашганлиги ва шох ҳокимиятининг чекланмаслиги билан характерланади.

⁷ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 40-бет.

2.2. Мустақил Ўзбекистонда давлат бошқарувининг асосий тамойиллари.

Давлат ўз олдида турган вазифаларни бажариш учун фаол, қатъий ҳаракат қилади. Давлатнинг мазкур ҳаракатларини, бутун фаолиятини таърифлаш учун юридик фанда “давлат бошқарувининг асосий тамойиллари” деган ибора киритилган.

Давлатнинг вазифалари ва функцияларини тўла тушуниб олиш, таҳлил эта билиш унинг моҳиятини янада кенгроқ, чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Давлатнинг моҳияти унинг функцияларида яна ҳам ёрқинроқ намоён бўлади. Давлатнинг функцияси – бу давлат олдида турган вазифаларни амалга оширишга қаратилган давлат фаолиятининг асосий йўналишларидир. Олимларнинг давлат бошқарувининг асосий тамойилларига берган таърифларида жиддий фарқ йўқ, уларнинг ҳаммаси ҳам давлат бошқарувининг асосий тамойилларини унинг фаолияти йўналиши билан боғлайдилар. Давлатнинг вазифаси ва функцияси бир-бири билан боғлиқ бўлган икки маънодаги тушунчадир. Ҳар бир давлатнинг вазифаси у амалга оширадиган бош асосий йўлни белгилайди, бутун фаолиятини ана шу вазифаларни ҳал этишга қаратади. Давлат бошқарувининг асосий тамойиллари эса давлатнинг вазифаларидан келиб чиқади. Давлатнинг вазифаларига мувофиқ амалга ошириладиган ҳаракатлар, фаолият уларнинг функцияларини ташкил этади.

Давлат бошқаруви жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий таркибидан, ижтимоий гуруҳлар, жамоалар, халқ манфаатларидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларнинг ҳал қилувчи таъсири остида шаклланади.

«Давлат бошқарувининг асосий тамойиллари» нафақат сиёсий мазмундаги ва бошқарувга оид тушунча, балки юридик маънодаги ҳодисадир. Чунки, функциялар асосан ҳуқуқий шаклларда амалга оширилади. Юридик адабиётларда давлат бошқарувини амалга ошириш шакли деганда:

- биринчидан, давлат бошқаруви асосий бўғинларининг фаолияти тушунилади;
- иккинчидан, давлат бошқарувини амалга оширишнинг ташқи кўриниши, белгилари, тартиби тушунилади.

Дастлабки мезонга кўра, давлат бошқарувини амалга ошириш шакллари куйидагича: 1) қонун ижодкорлиги; 2) бошқарув (ижро этиш); 3) суд фаолияти; 4) назорат фаолияти.

Қонун ижодкорлиги фаолияти орқали давлатнинг юқори вакиллик органлари жамиятдаги барча субектлар бажариши мажбурий бўлган қонунлар яратади. Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ қонунлар икки палатали парламент – Олий Мажлис томонидан ёки референдум орқали қабул қилинади. Қонунларни қабул қилишдан мақсад жамиятга раҳбарлик қилиш, ундаги барча ижтимоий муносабатларни ижтимоий тараққиёт манфаатлари йўлида ҳуқуқий тартибга солишдан иборат.

Бошқарув (ижро этиш) фаолияти воситасида давлатнинг кўпгина функциялари бажарилади. Чунки, ижроия ҳокимият давлатнинг муҳим бўғини бўлиб, жамият ҳаётини ташкил этишда салмоқли ўрин тутди. Мазкур ҳокимият давлат органларининг асосий қисмини, мансабдор шахсларнинг энг кўп сонини ўз ичига олади. Ижроия ҳокимиятнинг асосий вазифаси – қонунлар ижросини таъминлаш, кенг миқёсда бошқарув ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширишдан иборат.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг ижро ҳокимияти органи – Ҳукумат ҳисобланади. Конституцияга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий-маданий соҳанинг фаолиятига раҳбарлик қилади; мамлакат қонунларининг, парламент палаталари қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси:

- иқтисодий, ижтимоий-маданий вазифаларни бажаради;
- мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштиради, уларнинг тенглигини таъминлайди;
- бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий қурилишини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароит яратади, хўжалик юриштишнинг янги шаклларини барпо этишга кўмаклашади;

- республика бюджетини шакллантиради ва ижро этади, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва миллий дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг ижросини таъминлайди;
- фан ва техника соҳасини бошқаради;
- фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш чораларини кўради, шунингдек, бошқа ижроия функцияларни бажаради.

Судлов фаолияти. Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида, мустақил шохобчаларидан бири бўлиб, жамият ҳаётида одил судловни амалга оширишга сафарбар этилгандир. Одил судлов – давлат фаолиятининг махсус йўналиши бўлиб, бунда ваколатли суд муассасаси (судлар) ҳуқуқ нормалари талабларини бузишдан келиб чиқувчи низоли ҳолатларни муҳокама этиб, уларни қонун доирасида ҳал этади. Одил судловнинг олий мақсади – куч ва зўравонлик ғоясини ҳуқуқ устуворлиги ва адолат ғоялари билан алмаштиришдан иборат.

Назорат фаолияти. Давлат аппаратиغا қиравчи барча давлат органлари таркибида қонунчилик ва ҳуқуқий тартиб-интизом устидан назорат юритувчи тузилмалар мавжуд. Ушбу тузилмалар ўз тасарруфлари ва ваколатларига қирадиган соҳада назорат фаолиятини амалга оширади. Давлат назорати тизимида прокурор назоратини, солиқ назоратини, божхона назоратини, суд назоратини, экология назоратини, санитария-эпидемиология назоратини, тоғ-кон саноати назоратини, истеъмол маҳсулотлари устидан (сертификатлаш) назоратини ва бошқа турдаги назорат фаолияти турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Давлат бошқарувини амалга оширишнинг ҳуқуқий шакллари дейилганда, давлат органларининг ўз ташқи белги ва хусусиятларига кўра бир турдаги фаолияти тушунилиб, бу фаолиятнинг оқибатида албатта муайян ҳуқуқий ҳужжат (акт) қабул қилинади.

Давлат бошқарувини амалга оширишнинг қуйидаги шаклларини кўрсатиш мумкин:

- ҳуқуқни ижод қилиш (қонун ижодкорлиги фаолияти);

- ҳуқуқни ижро этиш (ижроия-фармойиш бериш фаолияти);
- ҳуқуқни кўриқлаш (одил судлов назорат фаолияти).

Давлат ва унинг органлари ўз функцияларини маълум метод (усул)лар воситасида амалга оширади. Ушбу усуллар қаторига – ишонтириш, мажбур қилиш, рағбатлантириш сингарилар қиради. Давлатнинг ҳар бир аниқ функцияси давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг мазмуни, шакли ва усуллари узвийлигида намоён бўлади.

Давлат бошқарувининг асосий хусусиятлари қуйидагилар билан белгиланади:

- функциялар давлатнинг моҳияти ва ижтимоий ҳолати билан бевосита боғлиқ;
- улар ўзгарувчан табиатга эга бўлиб, давлатнинг шаклланиши, мустақамланиши ва ривожланишига йўналтирилган. Ҳар бир тарихий даврда давлатнинг ўзига хос муайян функциялари бўлади. Ҳокимият тепасига бошқа сиёсий кучларнинг келиши билан давлатнинг моҳияти ва унга мос функциялари ҳам ўзгаради. Жамиятда устувор манфаатлар алмашганда ҳам давлат бошқарувининг ўзгариши содир бўлади. Масалан, уруш даврида давлатнинг мудофаа функцияси биринчи ўринга чиқади ёки бозор муносабатларига ўтишда давлатнинг иқтисодий функцияси алоҳида аҳамият касб этади. Функцияларнинг мазмуни давлат ривожланишининг муайян босқичларида ўзгариши мумкин. Давлат бошқарувининг ўзгариши, айниқса, туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, инқилоблар даврида яққол кўзга ташланади.

Давлатнинг ҳар бир тараққиёт босқичига муайян функциялар тўғри келади. Масалан, ҳозирги замон давлатларининг барчасида иқтисодий функциялар мавжуд. Аммо уларнинг мазмуни, шакллари, амалга ошириш усуллари турлича бўлиши мумкин. Ҳар бир ижтимоий тараққиёт босқичига ўзига хос функциялар тўғри келади. Шу боис давлат янги босқичдаги ривожланишга ўтар экан, ўз вазибаларини тўла ёки қисман ўзгартириши мумкин. Давлатнинг янги функциялари пайдо бўлиб боради, аммо аввалгилари ҳам изсиз йўқолмайди, улар янги мазмун билан бойийди. Бу ҳолни ҳар қандай давлатнинг тараққиётида кузатиш мумкин.

Ҳар қандай давлат бошқарувининг асосий тамойилларини ички ва ташқи функцияларга бўлиш мумкин. Давлат бошқарувининг ички ва ташқи функцияларга бўлиниши умумий характерга эга. Ўз навбатида, давлатнинг ички ва ташқи функциялари ҳам турли-туман бўлади. Ички функцияда давлатнинг мамлакат ичидаги роли намоён бўлади. Давлат бошқа давлатлар куршовида яшайди. Шу боис бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда давлатнинг ташқи функцияси рўёбга чиқади.

Ҳаракатининг муддатига кўра давлат бошқаруви доимий ва муваққат функцияларга бўлинади. Доимий функцияларга давлатга доимо хос бўлган хусусиятлар, давлат мунтазам шуғулланадиган вазифалар, масалан, ишлаб чиқаришни бошқариш вазифаси, яъни давлатнинг иқтисодий функцияси киради. Давлатнинг муваққат функцияларига эса маълум вақт мобайнида муайян мақсадга эришишга йўналтирилган вазифалар киради. Масалан, фавқулодда ҳолат эълон қилинган даврдаги вазифаларни амалга оширишга қаратилган функциялар вақтинчалик тусга эгадир.

Ижтимоий аҳамиятига кўра, давлат бошқаруви асосий ва кўшимча турларга бўлинади.

Давлатнинг ички функциялари – мамлакат ички ҳаётини бошқариш билан боғлиқ бўлган давлат фаолиятининг асосий йўналишларидир. Ички функцияга қуйидагилар киради: иқтисодий функция, ижтимоий функция, давлатнинг ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш функцияси, табиатни муҳофаза қилиш функцияси. Ҳар бир давлат иқтисодиёт соҳасида муайян вазифаларни бажаради, улар, асосан, қуйидагилардан иборат. Биринчидан, ривожланаётган иқтисодиётни яратиш, иккинчидан, иқтисодиётни барча соҳаларини ўзаро боғлиқлик асосида ривожлантириш, учинчидан, меҳнат захираларини оқилона жойлаштириш, меҳнатнинг янги технологиялар, халқнинг тарихий анъаналари ва малакаларига мос келадиган соҳаларини яратиш. Тўртинчидан, самарали иқтисодий фаолиятни амалга ошириш. Бешинчидан, тадбиркорликни ривожлантириш. Олтинчидан, аҳолини иш билан таъминлаш.

Ижтимоий функция – бунда давлат шахсни ижтимоий жиҳатдан муҳо-фаза этилишини, жамият барча азоларининг талаблар даражасидаги моддий-маънавий ҳаёт шароитларига эга бўлишларини таъминлайди. Ижтимоий функцияга қуйидагилар киради. Ижтимоий бойликларни тақсимлаш, аҳолини энг кам муҳофазаланган қисмини (ногиронлар, кўп болали оилалар, кексалар, етим-есирлар) ҳимоя қилиш, пенсия таъминоти кабиларни ташкил этиш. Соғлиқни сақлаш, маданиятни ривожлантириш, жамоат транспортини ташкил этиш, уй-жой қурилиши.

Сиёсий функция – фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунийликни ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, жамиятда барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни таъминлашдан иборат.

Маънавий функция – жамият аъзолари онгига миллий мафқурани сингдириш, санъатни қўллаб-қувватлаш, миллий маданиятни ривожлантириш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий соғломлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш.

Молиявий функция — солиқ тўплаш, жамият ҳаётининг асосий соҳаларини молиялаштириш, давлат бюджети ижроси, божхона назорати ва бошқалар.

Қонунларга риоя этиш ҳамма учун мажбурий бўлган, уни бузишга эса асло йўл қўйиб бўлмайдиган давлат фаолияти соҳасидир. Ҳуқуқий тартиботни ва аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳамда онгини юксалтириш давлатнинг ҳуқуқий тартиботни муҳофаза этиш функциясининг мазмунини ташкил этади. Ҳуқуқий тартибот билан боғлиқ фаолиятнинг марказида, энг аввало, фуқаро, жамият аъзоси эркин инсон сифатида шаклланиши ва фаолият юритиши масаласи туради.

Давлат бу функцияни амалга ошириш учун қуйидаги йўналишларда фаолият кўрсатади:

- биринчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш;
- иккинчидан, қонунлар ижросини таъминлаш ва улар устидан қатъий назорат ўрнатиш;

- учинчидан, фуқароларни конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишини таъминлайдиган қонунчилик қафолатларини яратиш;
- тўртинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимини шакллантириш ва уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш;
- бешинчидан, қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш.

Ҳар қандай давлатнинг энг асосий талаби — қонунларни амалга оширишга, қонунчиликни таъминлашга мутасадди бўлган идора ва шахсларнинг қонунларни аниқ ва оғишмай ижро этишларидан иборат. Табиатни муҳофаза қилиш функцияси — инсониятни ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун табиий бойликлардан ёвузларча фойдаланиш, одамлар истиқомат қиладиган жойлар ҳаёт учун хавfli фалокат минтақаларига айланиб кетиши натижасида табиат билан инсон ўртасидаги мувозанат бузилди. Масалан, Ўзбекистонда Оролнинг қуриб бораётганлиги, қишлоқ хўжалигида экологик зарарли моддаларни ишлатиш, аҳоли яшайдиган ҳудудларда зарарли ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш, ердан оқилона фойдаланиш қонунларини бузиш табиий экологик вазиятни издан чиқарди. Шу муносабат билан давлатнинг экологик функцияси алоҳида эътибор касб этмоқда. Давлатнинг табиатни муҳофаза қилишга оид функцияси қуйидаги вазифалардан иборат. Жумладан, табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишга, атроф-муҳитга зарар етказишга ва экологик вазиятни ёмонлашувига йўл қўймаслик. Иккинчидан, жаҳон ҳамжамияти давлатлари иштирокида экологик шароитларини соғломлаштириш, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги экологик номақбул оқибатларни бартараф этиш. Учунчидан, самарали экологик қонунчилик тизимини шакллантириш ва тегишли давлат органларини тузиш.

Давлатнинг ташқи функцияси — унинг халқаро майдондаги фаолиятининг асосий йўналишларидир. Давлатни ташқи функциясига қуйидагилар киради. Турли давлатлар билан тинч-тотув яшаш, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш, ташқи иқтисодий фаолият юритиш, мамлакатни бошқа давлатлар ҳужумидан муҳофаза этиш ва жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш ишларида фаол қатнашиш кабилар. Жамиятнинг ҳозирги замон тараққиёт даражаси барча

давлатларнинг хўжалик, сиёсий, маданий ҳаёт соҳаларида ҳамкорлик қилишни талаб қилади. Иқтисодий ҳамкорликда энг муҳим ўринни халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, энг янги технологиялари билан алмашиш, кредит-молия алоқаларини ривожлантириш ва товар айланмасини мувофиқлаштириб туриш кабилар эгаллайди. Халқаро иқтисодий муносабатларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари: Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро Валюта жамғармаси, Халқаро тараққиёт банки ва бошқалар олиб боради.

Мамлакатни мудофаа қилиш функцияси. Давлатчилик тараққиётининг барча босқичларида бу функция, унинг аҳамияти ғоят катта бўлиб келган. Зеро, ҳамиша мамлакат озодлиги ва мустақиллигини ташқи тажовузлардан ҳимоя қилишнинг обектив зарурати мавжуд бўлиб келганлиги маълум.

Мамлакат мудофааси функцияси иқтисодий, сиёсий, дипломатик ва ҳарбий воситалар билан амалга оширилади.

Давлат мудофаа фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- биринчиси, мамлакат мудофаа кудратини мустаҳкамлаш. Мамлакат мудофаа кудратини таъминлаш, энг аввало, мудофаа салоҳиятини юксалтириш;
- иккинчиси, қуролли кучларни доимий такомиллаштириб, уларнинг жанговар кудрати ва жанговар тайёргарлигини ошириб бориш;
- учинчиси, давлат чегараларини муҳофаза қилиш;
- тўртинчиси, қуролли кучларнинг ҳарбий таълими;
- бешинчиси, фуқаро мудофаасини ташкил этиш.

Истиқлол даврида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари яратилди. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари Конституциянинг махсус бобида, 1991-йил, 31-августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда ва 1996-йил, 26-декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топган.

Суверен давлат сифатида мустақил давлат сиёсатининг ишлаб чиқилиши ва уни амалга оширишда тегишли функциялар рўёбга чиқмоқда. Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларда ўз аксини топаётган иқтисодий сиёсат пировард натижада демократик ўзгаришлар киритиш, кучли суверен ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун мустаҳкам моддий негизни яратишга йўналтирилгандир. Шу вазифалардан Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи функциялари келиб чиқади.

Ички функцияларга қуйидагилар киради:

Ҳуқуқий тартибни таъминлаш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш функцияси;

Иқтисодий функция;

Солиқларни ундириш функцияси;

Ижтимоий ҳимоя функцияси;

Табиатни муҳофаза қилиш функцияси;

Барча шакллардаги мулкларни ҳимоя қилиш функцияси;

Маданий-маърифий функция.

Ташқи функцияларга қуйидагилар киради:

Мамлакатни мудофаа қилиш;

Халқаро миқёсда иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик;

Халқаро тартибни қўллаб-қувватлаш.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини 170 дан ортиқ давлат тан олди, улардан 120 таси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Тошкентда 44 та давлатнинг элчихоналари ҳамда 20 та йирик халқаро ташкилот ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатларда 40 та ваколатхонаси (жумладан 28 таси элчихона) очилган. Бугун Ўзбекистон 60 та нуфузли халқаро ташкилотларнинг тўлақонли аъзоси бўлиб, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этмоқда.

Жамият олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда барча давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари бир тизимга бирлашади ва асосий масъулиятни ўз зиммасига олади.

Давлат бошқаруви – барча давлат органларининг ягона, марказлашган тизими бўлиб, улар ўзларига берилган ваколат асосида давлат бошқарувини бажарадилар ва ҳокимиятни амалга оширадилар.

Ҳозирги кунда давлатшунос олимлар давлат аппаратининг, энг аввало, фуқаролар ва улар уюшмаларининг турли эҳтиёж ва манфаатларини мутаносиблаштириш механизми деб ҳисоблайдилар. Бундай фикрнинг тўғрилиги давлат бошқарувининг ўзига хос умумий белгиларини таҳлил этиш жараёнида яққол кўзга ташланади.

Давлат бошқаруви қуйидаги асосларга кўра фаолият юритади:

1. Давлат бошқарувининг ягоналиги. Давлат бошқаруви – давлат органлари ва муассасаларининг яхлит иерархик тизимидир. Унинг яхлитлиги давлат органлари ва муассасалари фаолияти тамойилларининг, вазифалари ва мақсадларининг ягоналиги билан таъминланади. Давлат органлари ўзаро фарқ қилишига қарамасдан, бир бутуннинг қисмлари ҳисобланади ва ўзаро боғлиқ. Масалан, парламент ва ҳукумат турли ваколатларга эга, турли мазмундаги ишни бажаради, лекин иккаласи ҳам бирга ягона давлат ҳокимиятини амалга оширади, яъни иккаласининг фаолияти ҳам фуқаролар муносиб ҳаёт кечирishi учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва алоқадорликда фаолият юритади.

2. Умумий мақсад ва вазифаларнинг мавжудлиги. Барча давлат органлари умумий мақсад ва вазифаларни бажариши, яъни давлат бошқарувининг асосий тамойилларини амалга ошириш учун ягона тизимга бирлашади. Асосий мақсад – халқ манфаатини қондириш. Давлат ва уларнинг органлари халқ иродасини ифода этади, унинг манфаатлари учун хизмат қилади.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Конституциянинг 7- моддасида белгилаб қўйилишича «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».

3. Иерархик тизимга асосланганлиги. Давлат бошқаруви пирамида шаклида тузилган бўлиб, унда юқори турувчи органлар қуйи турувчи органларга нисбатан кўпроқ ваколатларга эга бўлади ва уларнинг фаолиятига таъсир кўрсата олади, қуйи турувчи органлар еса юқори турувчи органлар қарорларини бажариши мажбурийдир. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини жойлардаги маҳаллий органлар бажариши мажбурий ҳисобланади.

Мажбурлов аппаратининг мавжудлиги. Давлат органлари, хусусан, қонун чиқарувчи орган қонун қабул қилиш ва уни кучга киритиш усули билан, ижро этувчи органлар бошқарув, мажбурлов ва рағбатлантириш усуллари билан ҳуқуқий нормаларни татбиқ этадилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳуқуқ нормаларини амалиётга татбиқ этишда, асосан, ишонтириш ва мажбурлаш усуллари билан фойдаланган ҳолда иш юритадилар. Жамиятдаги барча фуқаролар ҳам давлат томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги меъёрларга сўзсиз риоя қилавермайди, чунки инсонларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти бир хилда шаклланмайди. Шунинг учун, фуқаролар давлат томонидан ўрнатилган қоидаларга ўз хоҳишларига кўра риоя этмайдиган бўлса, давлат ўзининг мажбурлов кучи орқали қонунларнинг бажарилишини таъминлайди. Булар: прокуратура, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати, жиноий жазони ижро этиш муассасалари, армия ва бошқалар.

Бошқарув фаолияти билан шуғулланувчи махсус шахслар гуруҳининг мавжудлиги. Давлат органларида фаолият юритувчи шахслар иш фаолиятида фақатгина бошқарув билан шуғулланади, улар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмайдилар. Шунингдек, ушбу тоифадаги шахслар давлат ва жамият манфаатлари учун фаолият кўрсатадилар. Масалан, судья судлов жараёнида бирор-бир яқин танишининг ҳуқуқбузарлик содир этган иши бўйича, у шахсга нисбатан қонуний чора кўриш жараёнида, ўзининг шахсий манфаатларини инобатга олиб эмас, балки давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, обектив равишда қонунга асосан ҳукм чиқаради.

6. Ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат органларининг ички структурасининг мавжудлиги. Давлат бошқарувининг бир меъёрида ишлашини таъминлаш мақсадида давлат органлари, давлат муассасалари ва давлат ташкилотлари биргаликда ҳаракат қилади ва ўз навбатида, улар ички таркибий тузилишига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Давлат органлари – давлат бошқарувини амалга оширишда ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат бошқарувининг асосий бўғини. Масалан, прокуратура, суд, ички ишлар органлари ва бошқалар ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат органларидир.

Давлат ташкилотлари – бевосита ишлаб чиқариш ҳамда таъминот билан шуғулланувчи давлат идораси ҳисобланиб, давлат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган функцияларни бажаради. Мазкур ташкилотларнинг асосий қисмини давлат ўз монополиясида қолдиради. Метро, трамвай, троллейбус, электр энергияси, алоқа тизими шулар жумласидандир.

Давлат муассасалари – бу давлат органлари каби ҳокимият ваколатига эга бўлмай, давлатнинг олдида турган умумижтимоий вазифаларни бажарувчи идоралар. Масалан, касалхоналар, маориф, театр ва бошқалар. Ушбу органлар ҳокимият ваколатига эга бўлмаса-да, лекин жамият олдида турган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифаларни бажаради.

Юридик адабиётларда «давлат аппарати» ва «давлат бошқаруви» деган тушунчалар кўп учрайди. Бу тушунчалар, асосан, бир хил мазмунга эга. Лекин «давлат бошқаруви» кенгроқ тушунча бўлиб, унга давлат органларидан ташқари давлат аппарати ишини ташкил қиладиган, унга ёрдам берувчи бўлимлар, муассасалар ҳам киради. Уларга таяниб давлат аппарати ўз фаолиятини, давлат бошқарувини амалга оширади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини давлат органи, деб олсак, Ички ишлар вазирлигининг олий ўқув юртлири, тиббиёт, молия – иқтисод бошқармалари ва шунга ўхшаш вазирликнинг фаолиятини ташкил қилишга ёрдам берадиган ташкилотлар, унинг муассасалари ҳисобланади. Давлат бошқарувининг ташкил этилиши ва фаолият юритиши муайян бир раҳбарий ғоялар, яъни принциплар

асосида амалга оширилади. Давлат бошқарувининг принциплари уларнинг тўғри фаолият юритишида йўлланма берувчи вазифани ўтайди. Шунингдек, мазкур принциплар давлат аппаратининг ҳаракат доирасини ва мезонини белгилаб беради.

Давлат бошқаруви фаолияти ва уни ташкил этишнинг асосий принциплари:

1. Ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши принципи. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – давлатнинг учта асосий таянчидир.

Давлат бошқарувини куриш муайян обектив тамойиллар асосида амалга ошади, бу эса жамиятни давлат томонидан идора этишнинг самарадорлигини таъминлаш имконини беради. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ваколатлар айти бир одамнинг қўлида ёки айти бир идорада жамланган бўлса, эркинлик мавжуд бўлмайди, зеро, монарх ёки сенат нотўғри қонунлар қабул қилиши ва улардан жоҳилларча фойдаланиши мумкин.

Ҳокимият ваколатларини бўлинишининг бош маъноси–ижтимоий-сиёсий кучлар орасидаги ҳокимият ваколатларининг тақсимланишидир. Бундан мақсад – ҳокимиятни суиистеъмол

қилишнинг имконияти бўлмаслиги, ҳокимиятлар бир-бирларини муайян мувозанатда ушлаб ва чеклаб туришидир.

2. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги принципи.

Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида тан олинishi принциpidан келиб чиққан ҳолда давлат аппарати ўз фаолиятини амалга ошириши лозим. Давлат органларининг ташкил этилишдан асосий мақсади ҳам инсон, унинг манфаатлари ва эҳтиёжларини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш ва риоя этишдир. Давлат аппарати ўз фаолиятида турли давлат органларининг норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш даврида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бирламчи эканлигидан, ҳеч қайси бир орган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига зид ҳужжатлар чиқариши мумкин эмаслигини кафолатлайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши эътироф этилган. Ҳар қандай

демократик ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида тан олинади ва улуғланади.

3. Демократизм принципи. Давлат бошқаруви (аппарати) ташкил этилиши демократик принцип асосида амалга оширилади. Чунки, давлатнинг қонун чиқарувчи органлари халқ томонидан сайлаш орқали ташкил этилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 120 нафар депутат Ўзбекистон халқи томонидан яширин овоз бериш асосида сайланади ва шу демократик тартибда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси

шакллантирилади. Худди шу каби Олий Мажлисининг Юқори палатаси бўлган Сенат ҳам халқ вакилларининг иштирокида ташкил этилади. Сенатдаги мавжуд 100 нафар сенаторнинг 16 нафарини Президент тайинласа, 84 нафарини вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан 6 нафардан маҳаллий вакиллик органлари депутатлари йиғилишида сайланади.

Ижро этувчи ҳокимият – Ҳукумат ҳам халқ томонидан сайланган Президент тақдимига биноан Олий Мажлис томонидан ташкил қилинади. Олий суд, Олий хўжалик суди ва Конституциявий судларнинг раиси ва унинг ўринбосарлари, шунингдек, судьялари ҳам Олий Мажлисдаги халқнинг вакиллари бўлган сенаторлар томонидан сайланади.

Давлат бошқаруви (аппарати) халқнинг иштирокида шакллантирилади, халқ ҳокимиятини ифодалайди, у ҳам ўз фаолиятида фақатгина халқ манфаатларига хизмат қилади.

4. Поғонама-поғона бўйсунуш (иерархия) принципи. Иерархия – бир-бирига ўзаро бўйсунувда бўлиш деган маънони англатади. Иерархия – поғонама-поғона, пирамида, ўзаро бўйсунувдаги каби сўзлар билан бир маънони англатади. Поғонама-поғона жойлашиш принципининг мазумуни шундаки, давлат органлари тузилишининг бир шакли бўлиб, юқори давлат органларининг ваколатлари қуйи органларнинг ваколатларига нисбатан кўпроқ бўлади ҳамда улар қуйи органларнинг фаолиятига таъсир ўтказиш

имкониятига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси олий органларининг қарорлари мамлакатнинг бутун ҳудудида қўйи турувчи барча органлар ва мансабдор шахслар томонидан бажарилиши мажбурий. Масалан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойиши Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун мажбурий аҳамиятга эга. Шунингдек, туман ҳокими чиқарган қарорни вилоят ҳокими, вилоят ҳокимининг қарорини Бош вазир бекор қилишга ҳақли.

Ошкоралик принципи. Давлат бошқаруви (аппарати)га кирувчи органлар ўз фаолиятини ошкоралик асосида амалга оширадilar. Қонун чиқарувчи орган – парламент фаолияти жараёнида қабул қилинаётган қонунлар лойиҳасини ёки қабул қилган қонунлар матнини оммавий ахборот воситалари орқали халққа эълон қилиниши ҳамда халқни қонунлардан хабардор этилиши ошкоралик ифодасидир. Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият томонидан қабул қилинган фармойиш ва қарорларнинг тўпламларда чоп этилиши ҳамда суд органлари томонидан чиқарилган ҳукмлар (давлат ва оила сири билан боғлиқ бўлган ишлар бундан мустасно) ва қарорлар ҳақида маълумотлар билан ҳам халқнинг танишиши учун очиқ бўлишидир. Ошкоралик давлат аппарати фаолиятининг асосий мезони бўлиши лозим. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари давлат аппарати фаолияти ҳақида доимий равишда кундалик ахборотларини эълон қилиб туриши, халқнинг жамиятда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислохотлардан хабардор бўлиб туриши мақсадга мувофиқ саналади.

Қонунийлик принципи. Давлат бошқаруви (аппарати)нинг ташкил этилиши қонун йўли билан амалга оширилади. Давлат аппаратининг асосий бўғини бўлган қонун чиқарувчи орган – Олий Мажлис, ижро этувчи орган – Вазирлар Маҳкамаси ва суд органлари – Олий суд, Олий хўжалик суди ва Конституциявий суд тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси тегишли қонунлари қабул қилинган. Мамлакатимиздаги барча давлат органлари қонун асосида ташкил этилган ва қонун асосида фаолият юритади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра Ўзбекистон Республикасида ноошкора, махфий ва ҳарбий ташкилотлар тузиш тақиқланган. Шунингдек,

давлат органлари ўз фаолиятини қонун асосида амалга ошириши шарт. Ҳар қандай давлат органларининг қонунларда белгилаб қўйган ваколатлардан четга чиқиши мумкин эмас.

Профессионализм принципи. Давлат аппарати хизматчилари ўз соҳаларининг етук мутахассислари бўлиб, улар махсус малака ва билимга, етарли тажриба ва амалий ўқувга эга бўлган ходимлар ҳисобланади. Давлат аппаратида хизмат қилаётган ходимлар дастлаб мазкур соҳа бўйича қуйи органларда хизмат қилган, ушбу соҳада бой тажрибага эга бўлган мутахассис ходим бўлиши шарт.

Коллегиаллик ва яккабошчиликнинг биргалиги принципи. Давлат аппарати органлари ўз фаолиятини коллегиаллик ва яккабошчилик асосида амалга оширади. Коллегиаллик, яъни жамоавий бошқарув ҳисобланиб, Олий Мажлиснинг қуйи палатаси депутатлари ва юқори палатаси сенаторларининг хизмат фаолиятида яққол кўринади. Чунки ушбу органлар бамаслаҳат, муҳокама тарзида бир-бири билан ҳамкорликда масалани ҳал этадилар. Масалан: Олий Мажлис қонун қабул қилишда баҳамжиҳат иш тутади. Яккаҳокимлик ёки яккабошчилик принципида эса коллегиалликка ўхшаш умумнинг иродаси рўёбга чиқиши эмас, балки хизмат соҳасининг ёки бўлим бошлиғи ўзининг яқдил фикри асосида масалани ҳал қилади. Масалан, Божхона кўмитаси раисининг тегишли масала юзасидан якка тартибда буйруқ чиқариши. Сайланиш ва тайинланишнинг уйғунлиги. Давлат бошқаруви (аппарати)нинг ташкил этилиши сайланиш ва тайинланиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида олий вакиллик идоралари – Қонунчилик палатаси депутатларининг барчаси, Сенат аъзоларининг аксарият қисми, Олий суд идораларининг раис ва ўринбосарлари сайлаш орқали ташкил этилади. Ижро этувчи органларнинг барчаси тайинлаш тартибида шакллантирилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти вазирлар ва ҳокимларни лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Давлат аппарати механизми (аппарати)га кирувчи органлар юқорида қайд этиб ўтилган принциплар асосида ташкил этилади ҳамда улар ўз фаолиятини мазкур

принциплар асосида амалга оширадilar. Давлат бошқарувининг дастлабки ва энг муҳим таркибий элементи давлат органидир.

Давлат органи — давлат бошқарувини бажаришда қатнашувчи ва бунинг учун тегишли ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат бошқарувининг бўғинидир.

Давлат органлари бевосита давлат бошқарувини амалга оширишга қаратилган, ўзаро боғлиқлик ва бўйсунувда бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов ташкилотлари (ташкилий тузилмалар)нинг ягона тизимидир. Мазкур органлар давлат аппаратининг бир қисми ҳисобланиб, давлат бошқарувининг асосий тамойилларини амалга оширувчи маълум давлат ҳокимияти ваколатларига эга, бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар чиқарувчи, маълум тартибда ташкил этилган идоралардир.

Давлат органларининг белгилари қуйидагилардан иборат:

Оператив бошқарувда бўлган оммавий мулкка эга ва бюджет томонидан молиялаштирилади. Давлат органлари ўз ваколатини амалга ошириш учун моддий маблағ билан таъминланади. Шунингдек, молиявий қимматликлар, банкдаги ҳисоб-рақами, бюджет ҳисобидан молияланиш манбайига эга бўлиши шулар жумласидандир. Масалан, Ташқи ишлар вазирлиги ўзининг банкдаги шахсий ҳисоб рақамига эга ҳамда давлат хизматчиларга маош тўлаш, уларнинг хизмат фаолияти учун зарурий бўлган техник воситалари ва бошқа жиҳозлар сотиб олиш учун давлат бюджетидан доимий равишда молиявий маблағлар ажратилади.

Давлат номидан муайян соҳада унинг вазифа ва функцияларини амалга оширади. Давлат органлари жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритади. Жумладан, давлатдаги ҳуқуқий тартиботни таъминлаш соҳасини Ички ишлар вазирлиги, прокуратура органлари амалга оширса, давлатнинг ташқи функцияларини Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, мамлакатнинг муҳофаасини эса Мудофаа вазирлиги, Чегара қўшинлари қўмитаси, Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқа идоралар амалга оширади.

Ҳокимият ваколатларига эгаллиги. Давлат органлари муайян ҳокимият ваколатларига эгаллиги билан бошқа давлат муассасалари ва ташкилотларидан фарқ қилади. Давлат органлари ишонтириш ва мажбурлаш усулларидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлайдилар. Давлат ташкилотлари ва муассасалари эса бу каби ҳокимият ваколатига эга эмас. Таркибий тузилишга эгаллиги. Давлат органлари хизмат турлари ва таркибий миқдорига кўра муайян тузилишга эга бўлади. Масалан, ижро этувчи ҳокимият, органлари вазирлик ва қўмиталардан, вазирлик таркиби эса бош бошқарма, бошқармалар, бўлим, бўлинмалар таркибида ташкил этилган. Ички ишлар вазирлигида Тергов бош бошқармаси, Жиноят қидирув бош бошқармаси ва бошқалар мавжуд.

Ҳудудий фаолият миқёсига эгаллиги. Ўзбекистон Республикасининг марказий давлат органларининг фаолият миқёси бутун Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилади, маҳаллий давлат органларининг фаолияти миқёси эса фақатгина тегишли вилоят, шаҳар, туман ҳудудида амалга оширилади.

Қонун йўли билан ташкил этилади. Ўзбекистон Республикасида барча давлат идоралари қонун йўли билан ташкил этилади ва тегишли қонунларда белгилаб кўйилган ваколатлар асосида фаолият юритадилар. Ўзбекистон Республикасида ноқонуний ташкилотлар тузиш қатъиян ман этилади. Давлатимиз Асосий қонунининг 57-моддасида куйидагилар таъкидланган: Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларнинг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш қатъиян ман қилинади.

Давлат идоралари хилма-хил бўлиб, улар турли вазифа ва функцияларни амалга оширади. Улар фаолияти мазмуни ва мезонларига кўра турлича таснифланади:

1. Давлат фаолиятининг амалга ошириш шакли бўйича: вакиллик, ижроия, суд органлари ва прокуратура органлари.

Вакиллик органлари. Ўзбекистон Республикасида марказий ва маҳаллий вакиллик органлари мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси республикада қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи давлатнинг олий вакиллик органидир. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ўз ваколатида белгиланган ҳар қандай масалани ўз муҳокамасига қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоят ва туманлардаги халқ депутатлари кенгашлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобланади.

Ижроия органлар. Вазирлар Маҳкамаси – иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорларини ижро этилишини, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган фармон, фармойиш ва қарорларни бажарилишини таъминловчи ижро органи. Ижро этувчи органлар вазирликлар ва давлат кўмиталаридан иборат шаклда таркиб топган.

Суд органлари. Ўзбекистон Республикасида беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг фаолияти устидан назорат олиб боради. Олий суд томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва бажарилиши барча учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судлари – мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналари ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган ҳўжалик низоларини ҳал этиш масаласи билан шуғулланади. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Қорақалпоғистон ҳўжалик суди, вилоят ҳўжалик судлари устидан назоратни амалга оширади. Ҳўжалик судлари туманлар миқёсида ташкил этилмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди – барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини назорат қилади. У сиёсат ва ҳуқуқ соҳаларидаги мутахассислар орасидан Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси вакилидан иборат таркибда сайланади.

Прокуратура органлари – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадilar. Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорати идоралари, ҳокимлар, шунингдек, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни амалга оширадilar.

Юқоридан қуйига қараб бўйсунувига (иерархияга) кўра: марказий ва маҳаллий давлат органлари. Ўзбекистон Республикасида давлат органлари поғонама-поғона бўйсунуш тамойили асосида ташкил этилган бўлиб, маҳаллий органлар марказий органларнинг бўйсунувида бўлади. Марказий давлат органлари чиқарган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар маҳаллий давлат органлари учун мажбурий аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, маҳаллий давлат органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар марказий давлат органлари томонидан бекор қилиниши мумкин. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг барча қарор ва фармойишлари республиканинг бутун вилоят ҳокимлари учун

мажбурий аҳамият касб этади, вилоят ҳокимининг қарори фақатгина у раҳбарлик қилаётган вилоят ҳудудида амал қилади ва бу қарорни юқори турувчи ташкилот – Бош вазир ёки Президент бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Ваколат муддатига кўра: Доимий ва вақтинчалик давлат органлари.

Доимий органлар – фаолият муддати чекланмаган, доимий фаолият олиб боровчи давлат органлари. Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни доимий фаолият олиб боровчи органлар сифатида кўрсатиш мумкин. Масалан, ички ишлар идоралари, солиқ ва божхона идоралари.

Вақтинчалик органлар – жамиятдаги бирон-бир муҳим вазифани муайян бир муддатда амалга оширувчи ва мазкур ишлар якун топиши билан ўз фаолиятини тўхтатувчи органлар ҳисобланади. Масалан, турли хил табиий офатлар юз берганда ёки оммавий тартибсизликлар юзага келганда давлат томонидан ушуб хавфларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси ёки оператив штаб ташкил этилади. Мазкур комиссия ёки оператив штаб юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича муайян бир муддатда фаолият юритади.

4. Шаклланиш манбасига кўра: Бирламчи ва иккиламчи давлат органлари.

Бирламчи давлат органлари – халқ томонидан тўғридан тўғри сайлаш орқали ташкил этиладиган органлар. Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати (қисман) сайлаш йўли билан ташкил этилади.

Иккиламчи давлат органлари — халқ томонидан сайлаш йўли билан ташкил этилган орган ёки шахслар томонидан шакллантириладиган давлат органлари. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси халқ сайлаган Президент ва Олий Мажлис томонидан шакллантирилади.

5. Ваколатни амалга ошириш тартибига кўра: коллегиял органлар ва якка тартибда ваколатни амалга оширувчи органлар.

Коллегиял органлар — ушбу органлар ўз иш фаолиятини жамоавий тарзда, яъни коллегиял асосда ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида қонунларни қабул қилиш жараёнида

депутатларнинг жамоавий муҳокамаси ва умумий овози асосида қонунлар қабул қилинади.

Якка тартибда фаолият юритувчи давлат органлари — мазкур идора раҳбарлари хизмат фаолиятида муайян бир иш юзасидан жамоа билан маслаҳатлашув ёки муҳокама қилиш шаклидан маълум бир маънода мустақил бўлади ва ўзи якка ҳолда қарор қабул қилади. Бунга Президент, Бош вазир, Прокурор, ҳоким ва бошқаларни мисол тарзида айтиб ўтиш мумкин.

Давлат органлари таснифи:

- 1.Келиб чиқиш хусусиятига кўра бирламчи — ҳосила.
- 2.Ҳокимият ваколати ҳажмига кўра: олий, маҳаллий,
- 3.Ваколат турига кўра: умумий ваколатли, махсус ваколатли.
- 4.Ҳокимият тақсимланишига кўра: қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд.
- 5.Қарор қабул қилиш тартибига кўра: коллегиял, якка тартибда судлов ҳокимиятларига бўлинади..

2-бобга доир хулосалар.

Давлатнинг моҳиятини тушунишда давлат бошқарув шакли алоҳида аҳамиятга эга. Бошқарув шакли давлат ҳокимиятини ташкил этиш мазмунини англатади.

Давлат бошқарув шакли инсониятни қадимдан қизиқтириб келган. Бунда давлатни ким бошқаради, давлат қандай бошқарилади, деган масалаларга ва унинг бошқариш шакллариغا Афлотун, Арасту, Форобий, Монтеске, Локк, Руссо ва бошқа мутафаккирлар ўз асарларида алоҳида эътибор қаратганлар. Бошқарув шакли деганда, олий давлат ҳокимияти, унинг идоралари аҳоли билан ўзаро муносабати, аҳолининг ушбу идораларни шакллантиришда иштирок этиши тушунилади. Шундай қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда халқнинг кўмагига, фуқароларимизнинг фаоллигига таяниш лозим. Марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўткази боришни таъминлашдир. Президент Ислам Каримов “Кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўткази боришни тақозо этади”¹, деб таъкидлаганлари бежиз эмас. Бундан ташқари маҳалла ижтимоий назорат шакли сифатида мамлакатда қабул қилинаётган қонун ва унинг нормаларини амалга оширувчи сифатида ҳам намоён бўлмоқда ва бу билан амалда “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини рўёбга чиқармоқда. Фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда суд-ҳуқуқ соҳаси ислохотларини янада изчил давом эттиришдан иборат. Ислам Каримов таъкидлаганидек, “Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоғи зарур. Шундай қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда халқнинг кўмагига, фуқароларимизнинг фаоллигига таяниш лозим.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш –Т.:Ўзбекистон, 2002. 45 б

ХУЛОСА

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ ўтказилаётган туб ислохотлар ҳақида Президентимиз Ислам Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида шундай дейди: «Мақсадимиз – демократик, адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этиш. Бу бизнинг эзгу орзумиздир, стратегиямиздир. Миллий тикланиш ҳамда ривожланиш умумий мафкурасининг ва кенг қамровли дастурининг моҳияти шундадир»¹.

Бинобарин, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш томон қўйилаётган қадамлар қанчалик тез ва шахдам бўлса эркин фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишига ҳалақит берадиган тўсиқлар тезроқ олиб ташланишига имкон туғилади.

Демократик ҳуқуқий давлатда фуқаролар қонунларга муносабатини ўзгартиради. Қонунга ҳурматсизликнинг тугатилиши, барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш шаклланаётган фуқаролик жамияти барча цуктуралари ишини такомиллаштиришга олиб келиши муқаррардир.

Бозорнинг иқтисодий муносабатлари, сиёсий ислохотлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, плюрализм, кўппартиявийлик, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат ва шунга ўхшаш тушунчалар, фақат бир атама бўлмасдан, балки ривожланиш йўлидаги конкрет вазифалардир. Бу вазифалар ичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши алоҳида ўринни эгаллайди.

Тараққиётнинг бугунги босқичи ҳақида ўйлаганда АҚШ, Англия, Франция каби ривожланган мамлакатларда ташкил топган ва ривожланаётган фуқаролик жамиятининг тажрибаси эътиборга лойиқдир.

Ҳозирги ривожланган давлатлар тажрибаси бизга фуқаролик жамиятини ташкил этиш ҳақидаги қуйидаги хулосаларни беради:

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида – Т.:Ўзбекистон,1995

— ҳар бир мамлакатда фуқаролик жамиятига асос бўла оладиган кучли иқтисодий қудратга эга бўлган халқ хўжалигини яратишга эришиш;

— сиёсий ва носиёсий соҳаларда чинакам демократик принципларнинг чуқур илдиз отишига йўл очиш ва имкон яратиш;

— демократик Конституция асосида халқ манфаатлари ва жамият эҳтиёжларини ўйлаб ишлаб чиқилган давлат сиёсатини амалга оширишга қодир бўлган ҳокимиятга эга бўлиш;

— цензура билан чекланмаган эркин матбуот бўлиши, я'ни кенг инфор­мацион муҳит яратишга йўл очиш;

— кучли муҳолифат бўлишига қарамай унинг фаолиятини чегараламаслик, балки у билан сиёсат бобида мулоқотда бўлиш.

Бу хулосалар асосида фуқаролик жамиятининг та'рифи ўз-ўзидан келиб чиқади. Ҳар бир фуқаронинг ёши ва жинсига қараб табиий имкониятларини тўлиқ намоён этишга ва ундан тўла фойдалана олишга шароит яратиб бера оладиган жамият фуқаролик жамияти деб аталади.

Биринчидан, фуқаролик жамиятида ҳар бир фуқаро ўзининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги қобилият ва имкониятларидан тўла фойдаланиши керак. Иқтисодий имкониятлар натижасида фуқаро ўз оиласи фаровон турмуш даражасини таъминласа, сиёсий қобилиятдан фойдаланиб давлат бошқаруви жабҳаларида фаол қатнашади.

Иккинчидан, эркинлик тўғрисида гап борар экан, шуни таъкидлаш керакки, эркинлик фуқаролик жамиятининг энг долзарб муаммосидир. Эркинликни қуруқ ва'зхонлик билан амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун энг аввало, моддий имконият зарур. Бошқача айтганда, моддий эркинликсиз маънавий эркинликка эришиб бўлмайди. Давлатга моддий қарамлик сақланиб қолар экан, қанчалик ҳуқуқий ҳужжатлар бўлмасин, фуқаро эркин фаолият юргиза олмайди.

Учинчидан, Ўзбекистон мисолида гапирадиган бўлсак, табиийки, янги жамият барча соҳалардаги ишларни ҳали мустақил ҳал қила олмайди. Шунинг учун давлат жамият ишларининг ҳам асосий қисмини ўз зиммасига олади. Бу

ҳаётий талаб — мамлакатимизда амалга оширилаётган беш тамойилнинг бири — давлат бош ислохотчи бўлишида ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, давлат нафақат ўз вазифасини, балки жамият хизматини ҳам бажармоқда. Мустақилликка эришган мамлакатларнинг иқтисоди, ижтимоий тизими, сиёсий салоҳияти, маънавияти ривожланган сари, халқ оммасининг барча соҳалардаги маданияти ўсгани сари аца-секин шароит этилиши билан мулкдорлар ва сармоядорлар синфи ривожланади. Бу эса фуқаролик жамиятининг ривожига олиб келади.

Тўртинчидан, ривожланиш борасидаги машҳур беш тамойилнинг бирида иқтисодиётни сиёсатдан устуворлиги таъкидлаб ўтилади. Иқтисодиётга катта урғу беришнинг чуқур маъноси бор. Ўзбекистоннинг келажакда буюк мамлакат бўлиши учун асосий муаммолардан бири — ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни аҳолини жон бошига камида 15-20 минг АКШ долларига этказиш ҳам фарз, ҳам қарздор. Бу — мўл-кўлчилик яратиш деган гап. Бундай кўрсаткичга этиш учун, Ўзбекистон иқтисодини кўп марта ўстириш керак бўлади. Бунга эришиш фуқаролик жамиятини барпо қилишдаги ҳал қилувчи омилдир.

Бешинчидан, ўсишнинг ўзи одамларнинг мулкка бўлган муносабатларини кескин ўзгаришни тақозо қилади. Биз учун бу ўринда ривожланган мамлакатларда шаклланган ижтимоий-синфий муносабатларни ҳам ўрганиш зарур бўлади. Ривожланган давлатларда асосан уч синф ташкил топган — бойлар, ўрта мулкдорлар ва камбағаллар синфлари. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг энг катта ўзгаришлардан бири шу бўлдики, мулкдорлар ва сармоядорлар синфи шакллана бошлади. Эндиликда ишбилармон, тадбиркор, ғайратли кишиларга кенг йўл очилди. Улар ҳузур-ҳаловатини бузиб ўзлари учун ҳам, давлатимиз учун ҳам бойлик орттиришга виждонан меҳнат қиладиган синф бўлиб шаклланмоқда. Давлат улар учун зарур имкониятлар яратиб барча йўللар билан қўллаб-қувватламоқда ва рағбатламоқда. Бу синф вакиллари қанча кўпайса иқтисодий тараққиётимиз одимлари тезлашади ва кишиларимиз турмушига файз-барака киради. Ҳаётда

бойларимиз сони ўсгани сари уларнинг фуқаролик жамиятининг шаклланишида, ижтимоий ҳаётимизда ҳиссалари ўсиб бормоқда.

Олтинчидан, мулкдорлар ва сармоядорларимиз кураётган (айниқса чет эл компаниялари билан бирга) корхона ва устахоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари фуқаролар учун янги иш жойлари бўлиб, одамларнинг тинч, фаровон ҳаётини таъминлаш билан уларнинг жамият ишларига фаол қатнашишларига кенг шароит яратади.

Еттинчидан, мулкдорлик манбаи ақл-заковатга асосланган ҳалол меҳнатдир. Ўз лаёқати ва меҳнати билан бойлик орттираётган кишиларни халқимиз ва жамиятимиз ҳурмат қилади. Бундай табиий йўл билан бойлик орттираётган ва бойлигини ўз халқи билан баҳам кўраётган замонавий бойлар қаторига жамиятимиздаги вақтинчалик иқтисодий қийинчиликларидан фойдаланиб, иймон ва эътиқодини пуллаётганларни, порахўр шахсларни, яъни «сунъий бойларни» киритиш хато бўлади.

Саккизинчидан, фуқаролик жамиятининг қудратли иқтисодини барпо қилишда бойлар билан бирга ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш бош масалалардан биридир. Ривожланган мамлакатларда бу синф мамлакат аҳолисининг тахминан 80 фоизини ўз ичига олса, бойлар ва камбағаллар 10 фойиздан — жами, 20 фоизни ташкил қилади. Бу синф фуқаролик жамиятининг фақат иқтисодий асосигина бўлмай, балки жамият ва давлат барқарорлигини таъминловчи катта ижтимоий кучдир. Жаҳон тажрибасидан маълумки, барча сайловларда қайси партия ва оқимлар шу ўрта синф қалбига йўл топса, улар манфаатини кўзлаб иш тутса ғалаба қилишларига ишонадилар. Бу синфга кичик ва ўта тадбиркорлар, ўқитувчилар, барча қишлоқ зиёлилари, соғлиқни сақлаш ходимлари, олимлари, хизматчилар ва бошқа соҳаларда хизмат қилаётган фуқаролар киради.

Тўққизинчидан, давлатчилик тарихида жамиятни бошқаришнинг бир қанча усулларини биламиз. Аммо қуйи бошқарув тизими сифатида — маҳаллаларни кўпгина давлат арбоблари ва сиёсатшунос олимлар фақат ўзбекларга хос миллий қадрият деб қарамасдан умуминсоний ва

тсивилизатсияга хос қадриятлардан бири деб қарамокдалар. Мустақиллигимиз туфайли маҳаллалар тажрибаси йиллар ўтиши билан янада сайқалланиб, замонлар талабига мослашиб бораверади.

Хуллас, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, модернизация жараёнларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш йўли мураккаб ва сермашаққат бўлса-да, бу кишилиқ олами тараққиёти учун ғоят зарур бўлган ишлардан биридир. Зеро, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” ғояси “Келажаги буюк Ўзбекистон” ҳақидаги орзуларимизга айнан мос эканлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қонун, қонун ости ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. //Халқ сўзи, 2003 йил 21 май.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисидаги Конституциявий қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг «2002 йил 27 январдаги Референдуми яқунлари юзасидан қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарори. – Т.: Ўзбекистон, 2002.

2. Президент асарлари

5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
10. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
11. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
12. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

- 13.Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
- 14.Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва ма’рифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
- 15.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 16.Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиёт пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 17.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
- 18.Каримов И.А. Жамиятни ислоҳ қилиш йўлида. – Т.: Шарқ, 1999.
- 19.Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999.
- 20.Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштиришга, ресурслардан самарали фойдаланиш – бизнинг асосий йўналишимиз. //Халқ сўзи, 2002 йил 15 март.
- 21.Каримов И.А. Раҳбар, етакчи ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши керак. //Халқ сўзи, 2002 йил 22 феврал.
- 22.Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
- 23.Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. -Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.

3. Китоблар, дарсликлар, қўлланмалар, рисоалар, мақолалар

- 24.Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун. Масъул

- муҳаррир Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000.
25. Левитин Л., Карлайл Д. Ислам Каримов – Президент нового Узбекистана. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
26. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
27. Миллий давлатчилик, истиқлол мафқураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. – Т.: ИИВ Академияси, 1999.
28. Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. - М., 2005
29. Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари (ўзбек ва рус тилларида). Илмий-оммабоп қўлланма. (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н.) Т.: Иқтисодиёт, 2009
30. Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2001.
31. Саидов А. Фуқаролик жамияти ва сиёсий ислохотлар. //Мулоқот, 2000 йил 5-сон.
32. Саидов А. Фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида. //Халқ сўзи, 2002 йил 11 сентябр.
33. Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий - необходимое условие вхождения Узбекистана на новую рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. - Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.
34. Таджиханов У. Ҳуқуқий ислохотлар: муаммолар ва ислохотлар. //Ҳуқуқ, 2000 йил, 1-сон.
35. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон: янги ғоялар, янги ютуқлар. –Т.: Шарқ, 2002.
36. Чориев У. Фуқаролик жамияти истиқболи. //Ҳаёт ва қонун, 1997 йил, 5-сон.

37. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили – Т.:Шарқ, 1999
38. Ўринов С. Фуқаролик жамияти. //Мулоқот, 1992 йил 2-сон.
39. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.
40. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3 китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи.- Т.:Шарқ,2000

4. Интернет ресурслари

41. www.ziyonet.uz
42. www.lex.uz
43. www.doc.uz
44. www.uza.uz
45. www.mtrk.uz